БУГУНГИ СОНДА:

Покистон ва Ҳиндистон ШҲТ аъзолигига қабул қилинди 3

Қатарга Саудия Арабистони ва унинг иттифоқдошлари санкциялар жорий этди 6

Тожикистон Республикаси фуқаролигини олиш тартиблари 8








# ХАЛҚ ОВОЗИ


Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри

№ 24 (20028)
2017 йил 15 июн.

Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган


# БМТ БОШ КОТИБИ АНТОНИУ ГУТЕРРИШ ДУШАНБЕДА





**11 июн куни Миллат қасрида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашди.**

Давлат бошлиғи Тожикистонга илк бор БМТ Бош котиби сифатида ташриф бурган Антониу Гутерриш билан учрашиш ва фикр алмашиш учун пайдо бўлган имкониятдан қониқиш билдирар экан, мамлакатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан давлатчилик тизимларини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиёт ислоҳоти ва устувор тараққиётни таъминлаш учун ҳамкорликлари аҳамияти ва муҳимлигини таъкидлади.

Қайд қилиб ўтилганидек, Тожикистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзолиги аввалиданоқ ташкилот ва унинг махсус тузилмалари билан кенг бунёдкорлик ва самарали ҳамкорликларни йўлга қўйиб, мамлакат ҳудудида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 23та институти, дастур ва махсус муассасалари бевосита фаолияти учун қулай шароит яратган.



*Антониу ГУТЕРРИШ, БМТ Бош котиби:*

## - Сув захираларидан самарали, оқилона ва устувор фойдаланишда Тожикистон - намуна бўлмоқда

БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган 2030 йилгача давр учун Устувор тараққиёт глобал кун тартибидаги масалалар ва Тожикистоннинг 2030 йилгача давр учун Миллий тараққиёт стратегиясини амалга татбиқ этишга биргаликда ҳисса қўшиш масалалари юзасидан конструктив фикр алмашинуви бўлиб ўтди.

Тожикистон Республикаси Президенти Тожикистоннинг БМТ билан энергетик, транспорт ва коммуникацион воситалар ҳамда қишлоқ хўжалиги катта потенциали имкониятларидан ишончли ва самарали фойдаланиш соҳасида ҳамкорликлар муҳимлигини қайд қилди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Тожикистон ва Давлат бошлиғи Эмомали Раҳмоннинг минтақа ва жаҳонда сув билан боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги роли, сув ва экологияни қамраб олувчи халқаро ташаббусларини юқори баҳолар экан, Тожикистоннинг бу йўналишдаги халқаро ташаббуслари муҳимлиги ва ўз вақтида эканлигини қайд қилди.

Давлат бошлиғи Тожикистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кун тартибидаги сувга боғлиқ масалаларни йўлга қўйишда фаол иштирок этаётгани, бундан кейин ҳам халқаро даражада сув билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ташаббусчиси сифатида бу ҳаётан муҳим неъматдан узоқ фойдаланиш учун аниқ чора-тадбирларни амалга оширишда салмоқли ҳисса қўшишини таъкидлади.

2

## Президент Арманистонга жўнаб кетди

**14 июн куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон расмий ташриф билан Арманистон Республикасига жўнаб кетди.**

Ушбу сафарда Тожикистон Республикаси Президентига Ташқи ишлар вазири, Тожикистон Республикаси Президентининг халқаро алоқалар ва ҳуқуқий масалалар бўйича ёрдамчилари, Иқтисодий тараққиёт ва савдо, Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, Маориф ва илм вазирлари, Бош прокурор, Фанлар академияси президенти, Сармоялар ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети, Ёшлар ва спорт комитети раислари, Алоқа хизмати бошлиғи ва бошқа расмий шахслар ҳамроҳлик қилишмоқда.

***"Ховар" ТМАА.***

*P.S.: Миллат пешвосининг Арманистон Республикасига расмий ташрифи тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонида танишасиз.*



## Миллий бирлик - миллат саодати

11 июн куни Акашариф Жўраев номли Тожикистон Давлат филармониясида Миллий бирликнинг 20 йиллигига бағишлаб "Миллий бирлик - миллат саодати" мавзусида шеъру ашула тўгараги бўлиб ўтди.

Мамлакат Маданият вазирлигидан хабар беришларича, мазкур тадбирни Тожикистон бастакорлар ва ёзувчилар иттифоқлари Маданият вазирлиги ҳамда Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Телевидение ва радио комитети қўллаб-қувватлашида ташкил қилиб, унда олимлару адиблар, бастакорлар ва мусиқашунослар, санъат устозлари ва ҳунар саҳнасининг янги чеҳралари иштирок этишди.




Мазкур тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад: давлат мустақиллиги, миллий бирлик ютуқлари, Тожикистон яхлитлиги, миллий қадриятларни тарғибу ташвиқ этиш, азиз Тожикистон ва аждодлар бой меросидан фахрланишдан иборат эди.

## Красноярскда Миллий бирлик тантаналари

Россия Федерациясининг Красноярск вилоятида истиқомат қилаётган ватандошларимиз Миллий бирлик байрамида барчани дўстлигу биродарликка чақиришади. Бу вилоятда ишлаб, фаолият юритаётган юртимизнинг 5 мингдан зиёд фуқароси бу кунни байрам қилишади. Бу ҳақда Красноярск "Пайванд" тожиклар жамияти раиси ўринбосари Ҳазарали Асламов маълум қилди.

Унинг айтишича, Красноярск вилоятида Тожикистоннинг 30 мингдан зиёд фуқаролари турли соҳаларда фаолият юритишмоқда. Красноярск шаҳри тожиклар жамияти 1997 йили таъсис этилиб, унда 15 минг нафар ватандошларимиз қайддан ўтган.

- Ўтказиладиган барча байрамлар ушбу марказ билан биргаликда ташкил қилинади. Шунингдек, барча миллий анъаналар, жумладан, келин-куёв ва хатна тўйлари биргаликда ўтказилади,- деди Ҳ. Асламов.

## Россия Федерациясига қайтишнинг иккинчи ижозати

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг қўллаб-қувватлаши билан Россия Федерациясига киришлари ушбу мамлакат тартибот органлари томонидан 3 йилгача тақиқланган Тожикистон Республикасининг 106 минг нафардан зиёд фуқароси иккинчи марта Россия ҳудудига кириш учун ижозатномани қўлга киритдилар.



Тожикистон Республикаси Меҳнат, муҳожирлик ва аҳолини иш билан таъминлаш вазирлиги Муҳожирлик хизматининг хорижий меҳнат муҳожирати бўлими бош мутахассиси Дўстмурод Умбаровнинг маълум қилишича, айни пайтда Россия Федерациясига киришлари вақтинча тақиқланган Тожикистон Республикаси фуқаролари сони 151 минг нафарни ташкил қилади.

Мазкур тартиб Россия Федерациясининг "Россия Федерациясига кириш ва Россия Федерациясидан чиқиш тартибига доир" қонунининг 26-моддаси 2-банди ҳамда мазкур қонуннинг 27 ва 18.8-моддаларига мувофиқ суд қарорлари билан Россия Федерациясидан чиқарилган ва депортация бўлган ҳамда авф категориясига кирмайдиган Тожикистон Республикасининг фуқароларига нисбатан қўлланмайди. Аммо аниқ бир муддатда улар ҳам чеклов қўйилганлар рўйхатидан чиқариладилар.



# МАМЛАКАТИМИЗ ҲАФТА ИЧИДА

## Янги дипломатик ҳамкор

13 июн куни Пекинда Тожикистон Республикаси ва Конго Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиши тўғрисида қўшма баёнотни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда Тожикистоннинг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонасидан хабар беришди.

Қўшма баёнотни Тожикистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Парвиз Давлатзода ҳамда Конго Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси Даниел Овассалар имзолашди.

## Сармоявий лойиҳалар қўллаб-қувватланди

Мамлакат Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазири Неъматулло Ҳикматуллозода Хитой Давлат тараққиёт банки президенти Чжен Чжи Цзе билан мулоқот ўтказди.

Вазирликдан хабар беришларича, мулоқот чоғида томонлар Тожикистон Республикасининг 2030 йилгача давр учун Миллий тараққиёт стратегияси мақсад ва афзалликлари, чунончи, телекоммуникация, қишлоқ хўжалиги, саноат, гидроэнергетика соҳаларида икки томонлама ҳамкорликларни ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни татбиқ этиш ва кичигу ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида сўз юритишди.

Мулоқот чоғида Хитой Давлат тараққиёт банки Тожикистон Республикасидаги фаолияти мобайнида 20дан зиёд сармоявий лойиҳани қўллаб-қувватлагани таъкидланди.

## Синов парвози билан сафар

Тожикистон Республикасининг Туркманистон Республикасида ўтказиладиган Маданият кунлари иштирокчиларининг 40 нафар таркиби Туркманистоннинг "Turkmenistan airlines" авиакомпанияси воситасида Ашхобод-Душанбе-Ашхобод йўналиши бўйлаб синов парвози орқали ушбу мамлакатга жўнаб кетди.

Мамлакат Маданият вазирлиги матбуот марказидан хабар беришларича, мазкур ҳайъатга раҳбарлик қилиш Тожикистон Республикаси Маданият вазири ўринбосари Зевар Давлатзода зиммасига юклатилган бўлиб, концерт дастурларида иштирок этувчи санъаткорлар рўйхатига А. Жўраев номли Тожикистон Давлат филармонияси рақс ансамбли, опера хонандаси Шарофат Усмонова, Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Телевидение ва радио комитетининг "Шашмақом" ва "Дарё" давлат ансамбллари санъаткорлари Хуршед Иброҳимов ва Парвин Маҳмадёр, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Парвин Юсуфий, хонанда Бахтиёр Баёнийлар киритилган.



Тожикистон санъаткорлари Ашхобод шаҳри ва Туркманистоннинг бошқа минтақаларида классик, эстрада ва опера қўшиқлари, турли рақслар, чунончи, тожик ва туркман тилидаги қўшиқларини туркман томошабинларига ҳавола этишади.

## *Бунёдкорлик ишлари билан танишув*

Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Маҳаллий ривожланиш комитети раиси Қосим Роҳбар бошчилигидаги Тожикистон Республикаси Ҳукумати ишчи гуруҳи Хоруғ шаҳри ва Шуғнон ноҳиясида бир қатор янги бунёд этилаётган иншоотларни бориб кўрди.



Ишчи гуруҳининг танишуви Шириншоҳ Шоҳтемур шаҳарча жамоати маъмурий биносини кўришдан бошланди. Мазкур бино давлат ҳокимияти Хоруғ шаҳри ижроия органи режаси асосида Миллий бирлик байрамини нишонлаш кунлари фойдаланишга топширилади. Бу мавзеда, шунингдек, вилоят маориф бошқармаси ва тиббий коллеж қурилиши ҳам давом эттирилмоқда.

Ишчи гуруҳи Марказий Осиё университетида бораётган қурилиш ишларининг бориши билан танишди. Мазкур университет янги биноси майдони саккиз ярим гектарни ташкил қилади. Бу ерда таълим биноси билан бирга, ўқитувчилару студентлар учун ётоқхона, футбол майдони, ошхона, кутубхона ва илмий лаборатория бунёд этилган. Университет биноси қурилишида 17та қурилиш, жумладан, 6та хорижий компаниялар иштирок этмоқда.

Масъулларнинг маълум қилишларича, айни пайтда иншоотда 632 нафар қурувчи иш билан машғул.

Қосим Роҳбар қурувчиларни иш сифатига кўпроқ эътибор қаратишга чақирди.

## Қонуннинг ютуқ ва истиқболлари

Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали 2017 йил 9 июн куни "Тожикистон Республикасининг "Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида"ги қонуни: Душанбе шаҳрида унинг ютуқлари ва истиқболлари" мавзусида илмий-назариявий конференция ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.



Қарорда келтирилганидек, мазкур конференция ушбу қонун татбиқининг 10 йиллигига якун ясаш ва ютуқларни баҳолаш мақсадида ўтказилди.

Душанбе шаҳри раиси ахборот ва хорижий алоқалар бошқармасидан хабар беришларича, конференция давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органи дин ишлари, анъана, тантана ва миллий маросимларни тартибга солиш бўлими Душанбе шаҳри раиси аппарати ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими билан ҳамкорликда бу тадбирни юқори даражада ташкил этиш учун чора-тадбирлар қабул қилишга вазифадор этилгандилар.

***ОАВ асосида Г. Аюпова тайёрлади.***

# БМТ БОШ КОТИБИ АНТОНИУ ГУТЕРРИШ ДУШАНБЕДА

1

2018 йилнинг 22 марти – Халқаро сув захиралари кунидан амал қила бошлайдиган 2018-2028 йиллар - «Сув устувор тараққиёт учун» халқаро амалиёт ўн йиллиги минтақа ва жаҳонда сув захиралари билан боғлиқ устувор тараққиёт мақсадларини амалга татбиқ этиш жараёнида шахдам қадамга айланишига ишонч билдирилди.

Тожикистон томонидан барча учун «устувор энергия» ва «яшил энергия» глобал ташаббуслари қўллаб-қувватланиши яна бир марта қайд қилиниб, Тожикистоннинг тоза электр энергияси ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан ноёб бўлган гидроэнергетик потенциалидан фойдаланиш минтақа учун катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Минтақа ва дунёда хавфсизлигу барқарорликни таъминлаш, терроризм ва экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ноқонуний савдосига қарши кураш, Афғонистон Ислом Республикасидаги мураккаб сиёсий ва ҳарбий вазиятни барқарор қилишда фаол иштирокдан жиддий манфаатдорлик изҳор қилинди.

Суҳбатдошлар, шунингдек, Душанбе шаҳрида ўтказиладиган «Замонавий таҳдид ва хатарлар шароитида устувор тараққиётга эришиш бўйича ҳамкорликларни мустаҳкамлаш» мавзусида олий даражадаги тадбир кун тартибидаги масалалар юзасидан ҳам фикр алмашишди.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

*«Ховар» ТМАА.*

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИ ИШ МАЖЛИСИ ЎТКАЗДИ

**13 июн куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон иш мажлиси ўтказди.**

Унда мамлакат Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, Тожикистон Республикаси Президенти Ижроия аппарати раҳбари ва ўринбосарлари, Тожикистон Республикаси Президентининг ёрдамчилари, Душанбе шаҳри раиси, бир қатор давлат вазирликлари, идоралари ва мамлакат қудратли тузилмалари раҳбарлари иштирок этишди.

Иш мажлиси чоғида жорий йил мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига якун ясашга тайёргарлик ва 2017 йил биринчи ярмида республика иқтисодиётининг муҳим соҳалари ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Иштирокчилар диққатини мажлис кун тартибидаги масалалар муҳимлигига қаратган Давлат бошлиғи тегишли масъул шахсларга давлат ва ҳукумат Кенгаш ва комиссиялари, хусусан, иқтисодиёт ва сармоявий лойиҳаларни ўз вақтида амалга татбиқ этиш соҳаларида фаолиятини кучайтириш борасида қатъий кўрсатма ва топшириқлар берди.

Мажлисда, шунингдек, ободонлаштириш ва яратувчанлик бўйича чора-тадбирларни кучайтириш, мамлакат шаҳар ва ноҳиялари бозорларини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари кўриб чиқилиб, вазирлик ва идоралар раҳбарларига озиқ-овқат хавфсизлигини ўз вақтида таъминлаш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги тармоғи дастур ва режалари ижроларига эришиш, такрорий экин, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, мева, сабзавот, ғалла ва чорва учун озуқаларни йиғиб олиш ва захира қилиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш топширилди.

Мажлис иштирокчиларидан Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни бандлари ижроси, маданий ва маиший боғлару марказлар, сузиш ҳавзалари, бошқа соғломлаштириш иншоотлари ва биноларидан самарали фойдаланишни таъминлаш талаб қилинди.

Иш мажлиси охирида Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Ҳукумат аъзолари, давлат вазирлик, идора ва қудратли тузилмалари раҳбарларига аҳоли арзу шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш, халқ билан яқин бўлиш, мамлакат қонунчилиги талабларига риоя этиш, маданий ва маиший марказлару муассасалар, пансионатлар, спорт ва соғломлаштириш иншоотларининг доимий фаолиятини таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўриш топшириғини берди.

*«Ховар» ТМАА.*

# ҲАМДАРДЛИК ТЕЛЕГРАММАСИ

**8 июн куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Эрон Ислом Республикаси Президенти доктор Ҳасан Руҳоний номига ҳамдардлик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

-«Жаноби олийлари!

Теҳрон шаҳридаги террорчилик ҳужумлари оқибатида тинч аҳолининг ҳалок бўлгани ва жароҳат олгани сабабли, Сизга чуқур ҳамдардлигимни билдираман.

Биз террорчиларнинг бу шафқатсиз жиноятларини қатъий қоралаймиз ҳамда терроризм ва экстремизмнинг барча кўринишларига қарши биргаликда шафқатсизларча курашиш заруратини яна бир марта қайд қиламиз.

Ҳалок бўлганлар оилалари ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, уларга Яратган даргоҳидан сабр-бардош, барча жабрланганларнинг эса, тез орада тузалиб кетишларини тилаймиз».

*«Ховар» ТМАА.*

# ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ СИМПОЗИУМ

***12 июн куни «Кохи Наврўз» Давлат мажмуасида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон «Замонавий таҳдид ва хатарлар шароитида устувор тараққиётга эришиш бўйича ҳамкорликларни мустаҳкамлаш» мавзусида олий даражадаги симпозиумда иштирок этди ва нутқ сўзлади.***

Бу муҳим халқаро тадбир ишида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш, бошқа минтақавий ва халқаро ташкилотлар, Душанбедаги дипломатик корпуслар олиймақом намояндалари, таҳлилчилар, мамлакат тегишли вазирлик ва идораларининг масъул шахслари иштирок этишди.

Давлат бошлиғи ўз чиқишида БМТ Бош котибининг Тожикистонга ташрифи ҳамда «Замонавий таҳдид ва хатарлар шароитида устувор тараққиётга эришиш бўйича ҳамкорликларни мустаҳкамлаш» мавзусида олий даражадаги симпозиум ўтказилишини Тожикистон ва Ҳукуматимизнинг устувор тараққиёт йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳамда унинг замонавий муаммолар ва таҳдидларга қарши кураш майдонидаги мустаҳкам мавқеи билан янада кўпроқ ва реал танишишнинг катта имконияти, дея атади.



2030 йилгача давр учун Устувор тараққиёт глобал кун тартибидаги масалаларнинг қабул қилиниши миллионлаб тинч аҳоли диний ва геосиёсий мунозаралар хавфли таҳдидларига рўпара бўлган давр билан тўғри келгани, бугунги симпозиумни ўтказишнинг асосий мақсадларидан бири устувор тараққиёт мақсадларига эришиш, замонавий таҳдидларни бартараф этиш бўйича биргаликдаги ташаббуслар, ҳамкорликлару шерикчиликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустаҳкам тинчлик ва барқарорликни таъминлашдан иборат эканлиги қайд қилинди.

Тожикистон Республикаси Президенти дунёда бирор бир мамлакат бундай вазиятда якка ҳолда муваффақиятга эриша олмаслиги, замонавий таҳдиду хатарларга қарши кураш майдонида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлай олмаслигини эслатар экан, халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кураш йўлида минтақа ва халқаро даражада биргаликдаги ташаббусларни қабул қилиш орқали глобал хавфсизликни таъминлаш учун ҳамкорликлар ва ўзаро алоқаларни кучайтиришни бу хавфли жарга қулашдан сақланишнинг реал йўналишларидан бири эканлигини айтиб ўтди.

Тожикистоннинг БМТ фаол аъзоси сифатида бу йўналишда дунёнинг муҳим ва мувофиқлаштирувчи рол ўйновчи барча мамлакатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан интеграцияни мустаҳкамлашдан манфаатдорлиги қайд қилинди.

Тожикистон Республикаси Президенти ўз чиқиши охирида Тожикистоннинг глобал сув ва экологик муаммоларни ҳал этиш йўлидаги халқаро ташаббуслари ҳақида эслатар экан, сайёрамизнинг барча халқлари манфаатларига йўналтирилган янги Халқаро ўн йилликни амалга татбиқ этиш жараёнида самарали ҳамкорлик ва шерикчилик йўлида жиддий қадамлар ташланишига умид билдирди.

«Замонавий таҳдид ва хатарлар шароитида устувор тараққиётга эришиш бўйича ҳамкорликларни мустаҳкамлаш» мавзусида олий даражадаги симпозиум давомида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш чиқиш қилиб, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмонга бундай муҳим тадбирни ташкил этганлиги, замонавий дунёнинг муҳим ва долзарб муаммоларини ҳал этиш йўлидаги ҳаракатлари учун миннатдорчилик билдирди.

Шунингдек, симпозиум чоғида Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг Устувор Тараққиёт Мақсадларини амалга татбиқ этиш йўлидаги интилишлари ва ютуқлари тўғрисида БМТнинг Тожикистондаги Доимий мувофиқлаштирувчиси хоним Пратибҳа Меҳта, мамлакат Иқтисодий тараққиёт ва савдо вазири Неъматулло Ҳикматуллозода ҳамда бошқа маҳаллий ва хорижий таҳлилчилар чиқиш қилишди.

Симпозиумнинг алоҳида қисмларида иқлим ўзгаришининг Тожикистон тараққиёти ва Устувор Тараққиёт Мақсадларига таъсири, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, Тожикистондаги аграр соҳа ва озиқ-овқат хавфсизлиги: 2030 йилгача давр учун Тожикистон Миллий тараққиёт дастурини амалга татбиқ этиш муаммолари ва имкониятлари ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилди.

*«Ховар» ТМАА.*

# СУВ ЗАХИРАЛАРИ ОҚИЛОНА БОШҚАРИЛСА...

## Миллат пешвосининг «Замонавий таҳдид ва хатарлар шароитида устувор тараққиётга эришиш бўйича ҳамкорликларни мустаҳкамлаш» мавзусида олий даражадаги симпозиум очилиш маросимида сўзлаган нутқи

*12 июн 2017 йил, Душанбе шаҳри.*

**Ҳурматли БМТ Бош котиби - жаноб Антониу Гутерриш!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

**Энг аввало, жаноби Гутерриш, Сизни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби вазифасига сайланганингиз муносабати билан яна бир марта табриклашни истардим.**

Сиз ва ҳамроҳлик қилаётган делегацияга Тожикистонга хуш келибсиз дейман.

Сизнинг Тожикистонга ташрифингиз мамлакат Ҳукуматининг устувор тараққиёт бўйича саъй-ҳаракатлари ҳамда унинг замонавий дунё муаммо ва таҳдидларига қарши кураш масалаларидаги қатъий мавқеи билан яқиндан танишиш учун яхши имконият яратишига ишончим комил.

Бугунги симпозиум мавзусининг кўрсатишича, устувор тараққиёт мақсадларига эришиш йўлида ҳамкорлик ва шерикчиликларни мустаҳкамлашу кенгайтириш замонавий таҳдидларни бартараф этиш, устувор тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича биргаликдаги



ташаббуслар билан бевосита боғлиқдир.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2030 йилгача давр учун Устувор тараққиёт кун тартибидаги глобал масалалар қабул қилиниш муддати сайёрамизнинг турли нуқталарида миллионлаб тинч аҳоли диний ва геосиёсий тўқнашувлару мунозараларнинг хавфли таҳдидларига рўпара келаётган бир вақтга тўғри келди.

Биз барчамиз бундай вазиятда дунёнинг ҳеч бир мамлакати хавфсизлик таҳдидларига қарши курашда якка ҳолда муваффақиятга эриша олмаслиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлай олмаслигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кураш соҳасида жамоавий чора-тадбирлар қабул қилиниши воситасида умумий хавфсизликни таъминлаш йўлида минтақавий ва глобал даражадаги ҳамкорликлару шерикчиликни ривожлантиришни биз бу хавфли гирдобдан чиқишнинг реал йўналишларидан бири сифатида қабул қиламиз.

Бизнингча, БМТ бу ишда муҳим мувофиқлаштирувчи ролни ўйнаши керак.

Тожикистон унинг фаол аъзоси сифатида ўз томонидан дунёнинг барча мамлакатлари ва нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг тегишли тузилмалари билан конструктив, ўзаро самарали ҳамкорликларни бундан кейин ҳам ривожлантиришга тайёр.

**Ҳурматли Бош котиб!**

Молиявий-иқтисодий, энергетик ва озиқ-овқат инқирозлари ҳамда иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари бугун дунёнинг аксарият мамлакатлари, айниқса, денгизга чиқиш йўли бўлмай ривожланаётган мамлакатларнинг устувор ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш бўйича саъй-ҳаракатлари йўлида жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Минтақамиз мамлакатлари олдида, шунингдек, ҳал этилиши миллий ва минтақавий даражада ўз вақтидаги чора-тадбирлар қабул қилинишини талаб этадиган масалалар ва муаммолар турибди.

Бу жараёнда Тожикистон Ҳукумати табиий захиралардан самарали фойдаланиш, миллий иқтисодиёт диверсификацияси ва рақобатбардошлигини таъминлаш, мамлакат тузилмавий тараққиёти, камбағаллик сатҳини пасайтириш, жамият ўрта синфини ошириш ҳамда атроф-муҳитни ҳимоялаш ва минтақаларнинг мувозанатли тараққиёти каби йўналишларни ўз ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг истиқболи сифатида белгилади.

Шу нуқтаи назардан, муҳим ижтимоий соҳалар – маориф, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳам мамлакат устувор тараққиётини таъминлаш жараёнида алоҳида ўрин эгаллайди.

Тожикистон Ҳукумати 2020 йилгача давр учун Ўрта муддатли тараққиёт дастури ҳамда 2030 йилгача Миллий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқди ва қабул қилди.

Ушбу ҳужжатлар ишлаб чиқилишида, умуман, Устувор Тараққиёт Мақсадлари доирасида белгиланган нуқта ва вазифалар ҳисобга олинган.

Ижтимоий-иқтисодий ва экологик масалаларни ҳал этиш мақсадида энергетик мустақиллик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мамлакат коммуникацион имкониятларини кенгайтириш ҳамда аҳоли бандлиги даражасини юксалтириш Миллий тараққиёт стратегиямизда асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Тожикистон денгизга чиқиш йўли бўлмаган бошқа мамлакатлар каби ўз интеграциясини таъминлаш ва кўп томонлама савдо тузилмаларига қўшилиш масалаларида аниқ мушкулликлар билан рўпара келади.

Ишнинг бу ҳолати жамиятда ҳаётнинг бошқа соҳалари узлуксиз тараққиётини таъминлаш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабли, бу гуруҳдаги мамлакатлар учун жаҳон савдоси билан боғлиқ қулай имтиёзлар берилиши керак, дея ҳисоблаймиз.

Шу асосда биз маҳсулотлар транспортировкаси ва хизмат кўрсатишда устувор тараққиётни таъминлаш жараёнига таъсир кўрсатадиган турли тўсиқларни олиб ташлаш заруратини қайд қиламиз.

Тожикистон Ҳукумати шундан келиб чиққан ҳолда, Вена амалиёт дастури тавсияларини амалга оширилишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, улардан мамлакат транспорт-транзит тармоқларини ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланди.

Транспорт боши берк кўчадан чиқиш ва энергетик мустақилликка эришиш Тожикистоннинг миллий истиқболлари сифатида белгиланганини ҳисобга олган ҳолда, биз ички, минтақавий ва минтақалараро савдони авж олдиришга ҳисса қўшадиган транспорт ва энергетик инфратузилмаларни такомиллаштиришу ривожлантиришга биринчи даражали эътибор қаратамиз.

Энергия замонавий манбаларидан фойдаланиш ва «яшил энергия» ишлаб чиқаришни ривожлантириш устувор тараққиётга эришишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Энергетик потенциали асосини гидроэнергетика ташкил қилувчи мамлакатимиз дунё бўйлаб «яшил энергия» ишлаб чиқариш захираларидан фойдаланиш бўйича олтинчи ўринни эгаллайди.

Бу йўналишда Тожикистон «Устувор энергия барча учун» ва «2014-2024 йилларгача давр учун Устувор энергия халқаро ўн йиллиги» глобал ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлади.

Шу сабабли, аҳолининг энергетика соҳасидаги замонавий хизматлардан ҳар томонлама фойдаланишларини таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатларни ривожлантириш минтақа ва дунёнинг барча мамлакатлари манфаатларига жавоб беради.

Шу билан бир вақтда, глобал даражада энергетик захираларни янада самарали тежаш мақсадида қайта тикланувчи манбалар базасида энергия ишлаб чиқариш соҳасини молиялаштириш ҳамда ривожланаётган мамлакатларга илғор билимлар ва технологияларни етказиб бериш бўйича замонавий чора-тадбирлар қабул қилиниши зарур.

Гидроэнергетика ва қайта тикланувчи манбалардан энергия ишлаб чиқариш бошқа тармоқларини кенг ривожлантириш саноат иқтидорлари, энергетик тармоқлар соҳавий самарадорлигини ошириш, атмосферага зарарли газларнинг тарқалишини камайтиришга ҳисса қўшиб, «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш учун муҳим шароитларни яратишига ишончимиз комил.

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Бир мунча вақт аввал Тожикистон Париж келишувига қўшилиш бўйича жараёнларни ратификация қилган ҳолда, охирига етказган бўлиб, унинг амалга татбиқ этилиши иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни енгиб ўтиш бўйича биргаликда чора-тадбирлар қабул қилиниши учун қулай шароит яратади.

Шу билан бир вақтда, мамлакат Ҳукумати иқлим ўзгаришига мослашиш ва табиий офатлар вужудга келиши хавфини камайтириш бўйича зарур чора-тадбирларни босқичма-босқич қабул қилиб бораётган бўлиб, бу давлат экологик сиёсатининг истиқболи сифатида белгиланган.

Шу мақсадда мамлакатимизда табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш ва унга қарши туриш бўйича шошилинч чора-тадбирлар бошқарувчи тузилмаси ташкил қилинган.

Тожикистон ҳудудининг тўқсон уч фоизини тоғлар ташкил қилади ва Марказий Осиё сув захираларининг 60 фоизи унинг ҳудудида шаклланади.

Шу билан бир вақтда, мамлакатимиз географик жойлашуви туфайли иқлим ўзгаришининг салбий таъсири остида туради.

Мамлакатимизда ҳар йили турли табиий офатлар юз бериб, улар миллий иқтисодиётга юз миллионлаб Америка доллари ҳажмида зарар етказади ва одамлар қурбон бўлишига сабаб бўлади.



Иқлим ўзгариши музликларнинг тезлик билан эриши ва дарёларда сув кўпайишига олиб келиб, шу билан бирга, миллий иқтисодиётнинг гидроэнергетика, қишлоқ хўжалиги ва саноат каби асосий соҳалари ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, мамлакат Ҳукумати сўнгги йиллар мобайнида иқлим ўзгариши билан боғлиқ мушкулликлар ва хатарларни енгиб ўтиш заруратига доимий эътибор қаратиб, халқаро форумлар минбарларидан туриб, жаҳон ҳамжамиятини ушбу соҳада ташвишга солувчи масалалар юзасидан ҳамкорликларни ривожлантиришга чақиради.

**Ҳурматли Бош котиб!**

Тожикистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг сув соҳаси кун тартибидаги масалани илгари суриш бўйича ўзининг бунёдкорлик ишини давом эттирмоқда.

Бу йўналишда ўтган йилнинг декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси муддати тугаган 2005-2015 йиллар - «Сув ҳаёт учун» халқаро амалиёт ўн йиллиги ҳисобга олган ҳолда, Тожикистон ташаббуси бўйича 2018-2028 йиллар - «Сув устувор тараққиёт учун» янги халқаро амалиёт ўн йиллиги эълон қилиш тўғрисидаги резолюцияни консенсус орқали қабул қилди.

Янги ўн йиллик сув ва санитария билан боғлиқ устувор тараққиёт мақсадларини амалга татбиқ этиш учун миллий, минтақавий ва глобал даражада шароит яратиш йўлида жиддий қадам сифатида баҳоланмоқда.

Бу ўн йиллик, шубҳасиз, 2028 йилгача давр учун сув захираларини бошқариш билан боғлиқ муаммоларни енгиб ўтиш бўйича биргаликдаги ҳаракатларни амалга татбиқ этишда сезиларли рол ўйнайди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган ўн йиллик мобайнида бу соҳада биз БМТ ва унинг махсус муассасалари билан ўзаро самарали алоқаларга эга бўлдик.

Мақсад ва вазифалари бутун ер шари аҳолисининг фойдасига йўналтирилган янги халқаро ўн йиллик тадбирларини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида бундай манфаатли ҳамкорликлар давом этишига умид қиламиз.

**Сўзим охирида яна бир бор Сиз, Бош котиб жанобларини Тожикистонга хуш келибсиз дея, мамлакатимиздаги Сизнинг иш дастурингиз муваффақиятли давом этишини истардим.**

**Бугунги симпозиум иштирокчиларига давра столларида кўриб чиқиладиган мавзулар муҳокамасида муваффақиятлар тилайман.**

**Бугунги форумимиз якуни, унинг таклиф ва тавсиялари ҳамкорликларни жадаллаштириш ва устувор тараққиёт мақсадларига эришишда келгусидаги қадамларни амалга оширишимизга ҳисса қўшишига ишончим комил.**

**Сизларга фаровонлик ва мустаҳкам соғлиқ тилайман.**

**Диққатингиз учун ташаккур.**

*«Ховар» ТМАА.*

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ИШ ТАШРИФИ

**8 июн куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари учрашувида иштирок этиш мақсадида Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрига сафар қилди.**

Ушбу сафарда Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмонга Ташқи ишлар вазири, Тожикистон Республикаси Президентининг ташқи алоқалар ва иқтисодий масалалар бўйича ёрдамчилари, Энергетика ва сув захиралари вазири, Маданият вазири, Миллий хавфсизлик давлат комитети раиси ва бошқа расмий шахслар ҳамроҳлик қилишди.

Шу куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Остона шаҳрида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани билан учрашди.

Давлат бошлиғи суҳбат аввалида Тожикистон жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистон устувор тинчлиги ва иқтисодий тараққиётини таъминлашга йўналтирилган конструктив ташаббуслари, ушбу давлатнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги мавқеини қўллаб-қувватлаши, Афғонистон билан турли соҳалардаги ҳамкорликларни ўз ташқи сиёсатининг истиқболли йўналишларидан ҳисоблашини билдирди.

Томонларнинг самимий суҳбати чоғида Тожикистон ва Афғонистоннинг кўп қиррали, жумладан, сиёсат, хавфсизлик ва иқтисодиёт соҳаларидаги ҳамкорликлари, чегара яқинидаги алоқалар муҳим масалалари, савдо, сармоялар, энергетика, транспорт ва инфратузилма соҳаларида кичик ва йирик минтақавий лойиҳаларни амалга татбиқ этишда иштирок масалалари юзасидан фикр алмашинди.

Хавфсизлик, хусусан, чегараларни ҳимоялаш Тожикистон ва Афғонистон ўзаро муносабатларининг жуда муҳим йўналишларидан бири сифатида зикр этилиб, суҳбатдошлар халқаро терроризм ва экстремизм, наркотик моддалар контрабандаси ва трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашда ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш заруратини қайд қилишди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликлар бўйича ҳукуматлараро комиссия ишини фаоллаштириш, истиқболли энергетик ва инфратузилма дастурларни амалга татбиқ этиш, жумладан, темир йўл қурилиши, кўргазмалар ташкил этиш, тижоратчилар ва сармоядорларнинг бир-бирига ўзаро сафарларини ташкил этиш давлатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун зарур йўналишлардан, дея эътироф этилди.

Учрашувда, шунингдек, минтақавий ва халқаро бошқа масалалар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги давлатлараро интеграция масалалари ҳам кўриб чиқилди.

# СИ ЦЗИНПИН БИЛАН МУЛОҚОТ

**9 июн куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Остона шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг навбатдаги саммити доирасида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпин билан учрашди.**

Учрашув чоғида Тожикистон ва Хитойнинг икки томонлама ҳамда ШҲТ доирасидаги давлатлараро муносабатлари ҳозирги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди.

Давлат бошлиғи икки давлатнинг турли қиррали ҳамкорликлари ва дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан 25 йил мобайнида икки томонлама конструктив сиёсий диалог даражасидан қониқиш билдирар экан, Хитой Халқ Республикаси билан стратегик ва шерикчилик муносабатларини мустаҳкамлашни Тожикистон Республикаси ташқи сиёсатининг истиқболли йўналишларидан ҳисобланишини таъкидлади.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликларни янада кўпроқ ривожлантиришу кенгайтирищдан манфаатдорликларини билдирган суҳбатдошлар зикр этилган соҳалардаги муносабатларни мустаҳкамлаш учун давлатлар томонидан бир қатор амалий чора-тадбирлар қабул қилинганлигини қайд этишди.

Банк ва молия тизими соҳаларида интеграцияни мустаҳкамлаш, Тожикистонда табиий офат оқибатларини бартараф этишга ҳисса қўшиш, йирик инфратузилма ва транспорт лойиҳаларини амалга татбиқ этишга ёрдам бериш, жумладан, Буюк ипак йўли атрофида иқтисодий камарни ташкил қилиш, Хитой-Марказий Осиё минтақавий газ қувури ҳамда Хитой-Қирғизистон-Тожикистон-Афғонистон-Эрон темир йўлининг Тожикистон участкаси қурилишини бошлашга доир конструктив таклифлар илгари сурилди.

Учрашувда, шунингдек, терроризм, экстремизм, наркотик моддалар ноқонуний савдоси, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашда давлатлараро ҳамкорликлар ҳамда Афғонистон Ислом Республикаси умумий хавфсизлик ва барқарорлигини таъминлашга ҳисса қўшиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Учрашув охирида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинпин Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмонни яқин вақтларда Хитой Халқ Республикасига таклиф қилди.

*«Ховар» ТМАА.*



## *Антониу ГУТЕРРИШ:*

# - БАДАХШОН - НАФАҚАТ ТОЖИКИСТОН, БАЛКИ БУТУН ДУНЁДАГИ ЭНГ ГЎЗАЛ МИНТАҚАЛАРДАН БИРИ

**12 июн куни БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Тожикистонга келди. У сафар доирасида Сарез кўлига бориш чоғида Помир тоғи устидан парвоз қилиб ўтди.**

Бош котибнинг Тожикистонда кузатган иқлим ўзгариши оқибати уни ҳайратга солган - бу мамлакатдаги музликларнинг қарийб ўттиз фоизи аллақачон эриб кетганини таъкидлади.

Ташрифи чоғида Антониу Гутерриш дунё мамлакатларини иқлим ўзгаришига қарши курашни кучайтиришга яна бир бор ҳидоят қилди. Унинг сўзларига кўра, инсоният вақтни йўқотиш ҳуқуқига эга эмас.

Эслатиб ўтамиз, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон жаҳон ҳамжамияти эътиборини музликлар эриши муаммоларига неча марта қаратган.

-"Иқлим ўзгариши натижаси музликларнинг тезлик билан эриши ва дарёлар суви кўпайишига олиб келиб, шу билан бирга, миллий иқтисодиётнинг гидроэнергетика, қишлоқ хўжалиги ва саноат каби асосий соҳалари ҳолатига салбий таъсир кўрсатади",- дея таъкидлаганди Давлат бошлиғи "Замонавий таҳдид ва хатарлар шароитида устувор тараққиётга эришиш бўйича ҳамкорликларни мустаҳкамлаш" мавзусида олий даражадаги симпозиум очилиш маросимида сўзлаган нутқида.



Миллат пешвоси буларнинг барчасини назарда тутган ҳолда, сўнгги бир неча йил мобайнида мамлакат Ҳукумати иқлим ўзгариши билан боғлиқ мушкулликлар ва хатарларни енгиб ўтиш заруратига доимий эътибор қаратиб, халқаро форумлар минбарларидан туриб жаҳон ҳамжамиятини бу соҳада ташвиш туғдирувчи масалалар юзасидан ҳамкорликларни ривожлантиришга чақиришини қайд қилди.



***

- Тожикистонга иш ташрифи доирасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Бартанг водийсидаги Сарез кўлини бориб кўрди, - деб хабар берди "Ховар" Тожикистон Миллий ахборот агентлигига Тоғли Бадахшон мухтор вилоятидан.

Бу сафарда унга мамлакат Ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов ҳамда маҳаллий ва хорижий идораларнинг бошқа намояндалари ҳамроҳлик қилишди. Ушбу кўл тўғонида меҳмонларни Тоғли Бадахшон мухтор вилояти раиси Шодихон Жамшед истиқбол олди.



Эслатиб ўтиш жоизки, бу сафар "Сув устувор тараққиёт учун" халқаро амалиёт ўн йиллиги дастурини амалга ошириш доирасида ташкил этилди. Мазкур дастур Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон томонидан таклиф этилиб, БМТ ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланди. Дунё, жумладан, Марказий Осиёнинг бир қатор мамлакатлари ичимлик суви танқислигидан азият чекаётган бир пайтда, Сарез кўли 17 миллиард куб метр тоза сувга эга бўлиб, ундан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш яқин келажакда сув билан боғлиқ муаммоларни орадан кўтариши мумкин.

Сарез кўли ва унинг атрофидаги манзаралар меҳмонларни ҳайратга солди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Бадахшон - нафақат Тожикистон, балки дунё бўйича энг гўзал минтақа, эканлигини таъкидлади. Сарез кўли томошасидан кейин, БМТ Бош котиби: - Ҳар йили дунёнинг турли минтақаларида сув омбори бунёд этиш учун катта пул сарфлаймиз. Аммо сизлар учун Парвардигорнинг ўзи сув омбори бунёд этибди. Сизлар музликлар, поку мусаффо сувлар ва диёрингизнинг афсонавий табиатини ҳимоялаб, асрашингиз таҳсинга лойиқдир, - деди.



***

***(БМТ Бош котибининг Сарез кўли ва Тожикистоннинг гўзал табиатига нисбатан мулоҳазалари)***

Сарез кўли, Помирнинг бу минтақасини бориб кўришдан биз иккита сабоқ олишимиз керак. Энг аввало, биз музликлар эриётганини кўрамиз. Шунинг учун, бутун жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгариши таъсири олдини олиш йўлида долзарб чора-тадбирлар қабули учун саъй-ҳаракат қилишга жалб этилиши керак. Парижнинг иқлим ўзгаришига доир келишуви татбиғи учун зарур ташаббуслар амалга оширилиши лозим. Шундай чоралар қабул қилиниши зарурки, биз сайёрамиз ва инсоният келажагини иқлим ўзгаришининг турли хатарларидан қутқарайлик. Бошқа томондан, бу нодир кўлга назар ташлаган пайтимиз, энг аввало, табиатнинг бебаҳо неъмати - сувни кўрамиз. Сарез кўли сув захираларини қандай сақлашимиз кераклиги учун яхши мисол бўла олади. Биз сувдан самарали фойдаланишимиз керак. Зеро, табиатнинг бу неъмати - сув электр энергияси ишлаб чиқариш учун муҳим бойлик ҳисобланади.

Шу сабабли, биз уни дунёда самарали ҳимоя қилиб, ундан оқилона фойдаланайлик. Табиатнинг бу бебаҳо бойлиги ер куррасининг барча аҳолиси нафига хизмат қилишини эсдан чиқармайлик. Тожикистон Республикаси халқаро майдонда сув масаласига доир фойдали таклифларни илгари суриб, бу йўналишда ўзининг етакчи эканлигини кўрсатди. Уни жаҳон ҳамжамияти қўллаб-қувватлаб, таҳсинга муносиб билади.

Тожикистон Республикаси сув захираларидан самарали, оқилона ва устувор фойдаланишда намунадир. Жаҳон ҳамжамияти фойдаланишнинг бу усулидан сабоқ олиб, унга амал қилиши жуда муҳимдир.

Бу, ниҳоят, муҳим йўналиш бўлиб, бизни сув захираларини биргаликда бошқаришни янада яхшилаш йўлида саъй-ҳаракат қилишга ундайди. Тожикистон Республикаси "Сув устувор тараққиёт учун" халқаро амалиёт ўн йиллиги ташаббусини илгари сургани мамлакатнинг олий раҳбарияти, Тожикистоннинг муҳтарам Президенти жаҳон сув масаласига алоҳида эътибор қаратишидан гувоҳлик беради. Бу йўналишда мазкур ташаббусни ташвиқу татбиқ этиш учун биргаликда шошилинч тадбирларни амалга оширишимиз жуда муҳимдир.

*Ўз мухбир.*

# «ОСТОНА ЭКСПО-2017» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА

***10 июн куни Қозоғистон Республикасига иш ташрифи чоғида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари билан биргаликда мазкур ташкилот саммити доирасида «Остона Опера» Давлат опера ва балет театридаги ранг-баранг концерт дастури ва «Остона ЭКСПО-2017» халқаро кўргазмаси тантанали очилиш маросимида иштирок этди.***

«Остона ЭКСПО-2017» ихтисослаштирилган кўргазмаси тантанали очилиш маросимида дунёнинг 20 мамлакати давлат раҳбарлари, ШҲТга аъзо мамлакатлар ва бошқа давлатлар намояндалари қатнашишди.

Тожикистон Республикаси Президенти ва ШҲТга аъзо давлатлар бошлиқлари ҳамда бошқа мамлакатларнинг олиймақом намояндалари кўргазмага қўйилган янги ва замонавий технологиялар ҳамда бошқа ютуқлар билан танишишди.

«Остона ЭКСПО-2017» халқаро кўргазмаси очилиш маросими ШҲТга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари Кенгаши мажлиси ўтказилиш кунлари билан тўғри келиб, у маданий концерт дастури, давомли мушак отилиши билан давом этди.

«Остона ЭКСПО-2017» халқаро кўргазмасини ўтказиш мақсадини давлат бошлиқлари ютуқлар ва ҳамкорликлар имкониятларини намойиш этиш, икки томонлама ва кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш учун ишончли шерикларни топишнинг қулай фурсати, дея баҳолашди.

Халқаро кўргазма очилиши маросимида иштирок этгандан кейин Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Қозоғистон Республикасига иш ташрифи ниҳоясига етди.

*«Ховар» ТМАА.*

# ШҲТга АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

***9 июн куни Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари Кенгаши саммити бўлиб ўтди. Унинг ишида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ҳам иштирок этди ва нутқ сўзлади.***

Саммит ўтказилиш жойи – «Мустақиллик қасри»да Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва бошқа давлатлар бошлиқлари ҳамда олиймақом делегацияларни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Биргаликда суратга тушишдан кейин Тожикистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлат бошлиқлари иштироки билан ШҲТга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари Кенгашининг тор доирадаги саммити бўлиб ўтди.

Саммитда, асосан, халқаро терроризмга қарши курашишнинг биргаликдаги муҳим йўлларини излаш, аъзо давлатларнинг бошқа таҳдид ва хатарларга қарши чора-тадбирларини кучайтириш бўйича ҳамкорликларини ривожлантириш, Покистон Ислом Республикаси ва Ҳиндистон Республикасига Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тенгҳуқуқли аъзоси мақомини бериш бўйича тарихий ҳужжатнинг қабул қилиниши каби кун тартибидаги масалалар ҳамда минтақа ва дунё аҳамиятидаги бошқа долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Кенг доирадаги мажлисда кузатувчи давлатлардан Афғонистон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Ҳиндистон, Белорус Республикаси, Мўғулистон давлат ва ҳукуматлари бошлиқлари, Эрон Ислом Республикаси Ташқи ишлар вазири, БМТ, ШҲТ, КХШТ, МДҲ бош котиблари ҳамда бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлардан олиймақом намояндалар иштирок этишди.

Тожикистон Республикаси Президенти ШҲТга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари Кенгаши мажлисидаги ўз чиқишида Қозоғистон томони ва Нурсултон Назарбоевга мазкур саммитни яхши ташкил қилганликлари ва меҳмондорчилик учун миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, Тожикистон Республикаси Президенти Покистон ва Ҳиндистон делегациялари бошлиқларини мамлакатларининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлишлари муносабати билан табриклаб, бу давлатлар тенгҳуқуқли аъзолар сифатида ташкилотнинг жаҳон майдонидаги нуфузи юксалишига муносиб ҳисса қўшишларига ишонч билдирди.

Давлат бошлиғи ўтган йил мобайнида минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликларни кенгайтириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга татбиқ этилганини қайд қилди.

Афғонистон ва Яқин Шарқдаги сиёсий вазият, террорчи гуруҳларининг таъсири, таҳдидлар ошиб бораётгани билан боғлиқ ҳолда, Тожикистон Республикаси Президенти ШҲТга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари диққатини ШҲТ Минтақавий террорчиликка қарши тузилмаси фаолияти самарадорлигини юксалтиришга қаратди.

Наркотик моддалар ноқонуний савдоси олдини олиш ва унга қарши биргаликдаги курашни кучайтириш учун мамлакат Президенти Тожикистоннинг ШҲТ Наркотикларга қарши марказини ташкил этиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватлашни таклиф қилди.

Шунингдек, Давлат бошлиғи томонидан иқтисодий ҳамкорликларни кенгайтириш ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган йирик сармоявий лойиҳаларни амалга татбиқ этиш мақсадида ШҲТнинг Тараққиёт фонди ёки Тараққиёт банкини ташкил этиш зарурати тўғрисида масала қўйилди.

Мамлакат Президенти давлатларнинг ташкилот доирасида энергетика, «яшил энергия»-ни ривожлантириш, табиат ва атроф-муҳитни ҳимоялаш ҳамда соғлиқни сақлаш, маданият, илм, техника, инновациялар, спорт ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликларини кенгайтириш зарурлигини қайд қилар экан, уларнинг амалга татбиқ этилишини давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашнинг муҳим омили, дея атади.

Аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари нутқидан кейин, жами 11та муҳим ҳужжат имзоланди. Покистон ва Ҳиндистоннинг ШҲТ аъзолигига қабул қилиниши, Остона декларацияси, Конвенция имзоланиши ҳамда ШҲТга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг терроризм ва экстремизмга қарши туриш тўғрисидаги изҳоротлари қабул қилиниши Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари Кенгаши мажлисининг кўзга кўринарли натижаларидир.

Шу тарзда, навбатдаги саммит иши якунланганидан кейин 2017-2018 йиллар Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига раислик қилиш Хитой Халқ Республикасига ўтди.

Журналистлар кенг доираси иштирокидаги матбуот анжумани чоғида ШҲТ Бош котиби Рашид Олимов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари Кенгаши саммити иши натижалари ҳақида изҳорот берди.

*«Ховар» ТМАА.*

# МИНТАҚАВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – УМУМИЙ МАНФААТЛАР АСОСИ

## Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг ШҲТга аъзо мамлакатлар давлат бошлиқларининг кенгайтирилган таркибдаги Кенгаши мажлисида сўзлаган нутқи

*9 июн 2017 йил, Қозоғистон.*

**Ҳурматли Раис жаноблари!**

**Қадрли делегациялар раҳбарлари ва мажлис иштирокчилари!**

**Энг аввало, Қозоғистон Республикаси Президенти муҳтарам Нурсултон Абишевичга анъанавий илиқ меҳмоннавозлик ва ишлаш учун яхши шароитлар яратганлиги учун миннатдорчилик билдиришни истардим.**

Ўтган йил давомида минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, сиёсат, иқтисодиёт ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликларни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга татбиқ этилди.

Жорий йил ташкилотимиз учун жуда муҳим ҳисобланади.

Уч йил илгари Душанбе саммитида қабул қилинган ҳужжатлар унинг кенгайиши учун йўл очди.

Жорий йилда биз ташкилотга Ҳиндистон ва Покистоннинг аъзо давлат сифатида қўшилиши жараёнини охирига етказдик.

Ҳиндистон ва Покистон делегациялари раҳбарлари – ҳурматли Нарендра Мод и ва Навоз Шарифни мамлакатларининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлишлари муносабати билан табриклайман.

Покистон ва Ҳиндистон ташкилотимизнинг тенгҳуқуқли аъзолари сифатида унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшишларига ишончим комил.

**Ҳурматли ҳамкасблар!**

Бугун оламни зўравонлик тўлқини қамраб олмоқда.

Хавфсизликка таҳдидлар ва хатарлар сайёрамизнинг турли бурчакларини қамраб олган ҳолда, ўз тарқалиш географиясини кенгайтирмоқда ва янада уюшган хусусият касб этмоқда.

Бундай воқелик мазкур бузғунчи жараённинг янада кенгайишига йўл қўймаслик бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни талаб этади.

Сўнгги икки ўн йилликда бу йўналишда халқаро даражада қабул қилинган чора-тадбирлар ҳалигача кутилган натижани бермади.

Шу сабабли, ШҲТ доирасида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Минтақавий терроргчиликка қарши тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларига тегишлича эътибор қаратиш зарур.

Бугун Афғонистон ва Яқин Шарқдаги вазият хавфсизлик соҳасида энг муҳим халқаро муаммо ҳисобланади.

Бу инқирозларни умумқабул қилинган халқаро меъёрлар ва мезонлар асосида сиёсий ҳал этиш йўлларини қидиришга келгусида ёрдам беришни муҳим ҳисоблаймиз.

Афғонистон Ҳукуматининг мамлакатда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш ва миллий келишув йўлларини излашга ҳар томонлама ёрдам беришни муҳим ҳисоблаймиз.

Бу йўналишда биз ШҲТни ўзаро муносабатлар учун ишончли майдон сифатида кўрамиз.

Наркотик моддалар ноқонуний айланишининг олдини олиш терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши умумий курашимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Мазкур масалада ШҲТ доирасида шериклар билан ҳамкорлик қилиш Тожикистон учун биринчи даражали аҳамиятга эга.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида наркотиклар контрабандасига қарши биргаликда курашишни мувофиқлаштириш бўйича амалий механизмни ташкил этиш долзарблигини яна бир бор таъкидлашни истардим.

Бу соҳада Тожикистон катта тажрибага эга бўлиб, биз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликларни йўлга қўйганмиз.

Тожикистоннинг ШҲТ Наркотикларга қарши марказини ташкил этиш бўйича аввалроқ илгари сурган ташаббусининг қўллаб-қувватланишини таклиф қиламиз.

**Ҳурматли мажлис иштирокчилари!**

Иқтисодиёт соҳаси ШҲТ доирасидаги ҳамкорликларнинг асосли йўналишларидан бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий, жумладан, минтақавий аҳамиятга эга йирик сармоявий лойиҳаларни амалга татбиқ этиш соҳасидаги муносабатларни келгусида кенгайтириш янада самаралироқ молиялаштиришга эҳтиёж сезади.

Аъзо давлатлар экспертлари ШҲТ Тараққиёт фонди (Махсус ҳисоб) ва Тараққиёт банкини ташкил этиш бўйича келишилган мавқеини ишлаб чиқа олишларига умид билдирамиз.

Тожикистон Республикаси ШҲТга аъзо мамлакатларнинг транспорт-коммуникацион соҳадаги потенциалини юқори баҳолайди.

Мазкур соҳадаги ҳамкорликлар, айниқса, денгизга чиқиш йўли бўлмаган мамлакатлар учун долзарбдир.

Душанбе шаҳрида имзоланган Халқаро автомобил қатновлари учун қулай шароит яратиш тўғрисидаги келишувни амалга татбиқ этиш жуда муҳим ҳисобланади.

Инфратузилма хусусиятига эга бўлган биргаликдаги сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш ШҲТ ҳудудида иш билан бандликни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишни қамраб олган ҳолда иқтисодий тараққиётни тезлаштиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Биз энергетика, жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида кенг ҳамкорликлар тарафдоримиз.

Тожикистон қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича дунёда олтинчи ўринни эгаллаган ҳолда, «яшил энергия» тараққиётига катта ҳисса қўшади.

Биз ҳам мамлакатимиз ва ҳам ШҲТ ҳудудида экологик вазиятни яхшилаш бўйича халқаро ҳамкорликларни чуқурлаштиришга катта аҳамият қаратамиз.

«Яшил иқтисодиёт»ни шакллантириш ва иқлим ўзгариши масалаларида ўзаро муносабатлар мамлакатимиз экологик сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ушбу кунларда Остонада «Келажак энергияси» умумий мавзуси остида «ЭКСПО-2017» халқаро кўргазмаси ўз ишини бошламоқда.

«Остона-ЭКСПО» энергия истеъмол қилиш муаммолари бўйича умумий ташвишимизни ўзида акс эттиради.

Қозоғистонлик дўстларни ушбу катта миқёсли воқеа билан табриклайман.

Тожикистон ташкилот доирасида гуманитар алоқаларни келгусида ривожлантириш тарафдори.

Соғлиқни сақлаш, маданият, илм, техника, инновациялар, спорт ва сайёҳлик соҳаларида ҳамкорликларни кенгайтириш ШҲТга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш жараёнининг муҳим йўналишларидан бири, дея ҳисоблаймиз.

**Қадрли ҳамкасблар!**

Қозоғистон Республикаси бир йил давомида ШҲТнинг бунёдкорлик руҳини мустаҳкамлаш бўйича катта ишни амалга оширди ва унинг раислик давридаги фаолиятини юқори баҳолашга арзийди.

Шу билан бирга, хитойлик дўстларимизни ШҲТга раисликни бошлаётганликлари билан табриклаб, уларга муваффақиятлар тилашни истардим.

Сўзим охирида Тожикистоннинг ШҲТ доирасида умумий мақсадларга эришиш бўйича келгусида ҳам ўзаро фойдали ҳамкорликларга тайёрлигини яна бир марта таъкидлашни хоҳлайман.

Бугун қабул қилинган қарорлар мазкур жараённи кучайтиришга сезиларли равишда таъсир кўрсатишига ишончим комил.

**Диққатингиз учун ташаккур.**

*«Ховар» ТМАА.*

### Учрашувлар даъватидаги жавҳар

«Миллий Ваҳдат» - миллий бирликка осонликча эришилмаган ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш – ҳамманинг бурчи!»

Спитамен ноҳиясида Миллий бирликнинг 20 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган учрашувларда сўзга чиққан кишилар даъвати жавҳарида ана шу маъно-мазмунни англаш мумкин эди.

Бўлиб ўтган биринчи учрашувни ноҳия раиси Акрам Сулаймонзода очар экан, аҳоли манзилларида тожиклар билан бирга ўзбеклар, руслар, қирғизлар, татарлар, корейслар ва бошқа миллатлар вакиллари аҳил, иноқ яшаётганликларини таъкидлаб ўтди.

Суғд вилояти Хотин-қизлар ва оила ишлари бошқармаси бошлиғи Нодира Мирзозода, тарихчи олим Рустам Йўлдошев, Тожикистон Халқ ёзувчиси Муҳиддин Хожазод, шоир Абдужаббор Суруш Миллий бирликнинг Тожикистоннинг давлат сифатида мустаҳкамланиши, халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги тараққиёти, аҳиллик билан қилинаётган бунёдкорлик ишларидаги муҳим ўрни ҳақида сўзлашди. Муҳиддин Хожазод ўзи бориб ишлаган Норак ва ҳар бир тожикистонликнинг умид кўзи қадалган Роғун ГЭСлари, бу улкан қурилишлар борасида ўзи ёзган романлар ҳақида сўзлаб берди . Абдужаббор Суруш дўстлик ва бирдамликни тараннум этувчи шеърларидан ўқиди.

### Илғорларга совғалар

Жаббор Расулов ноҳиясидаги Сомониён қишлоқ жамоати пиллачилари бу йил «кумуш тола» деб аталувчи мўл саноат хом ашёси етиштиришди. Аксарият ҳар қутидан деярли 100 килограммгача пилла териб олишди.

Ноҳия хотин-қизлар ва оила ишлари бўлими раҳбари Марҳамат Каримова бошчилигидаги фаол аёллар уюшган ишчи гуруҳи аъзолари сомониёнлик пиллачилар иши билан танишар эканлар, уларнинг самарали меҳнатларига юқори баҳо беришди. Ноҳия марказидан келган ишчи гуруҳ аъзолари «Муҳандис» деҳқон хўжалигидан Маърифат Ҳасанбоева, Файзулло ота номли деҳқон хўжалигидан Баҳрижон Алиматова, Амиржон номидаги деҳқон хўжалигидан Зафар Абдуллаевлар хонадонларида бўлар экан, муҳим хом ашё етиштиришнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган, маҳоратли пиллачиларга тасанно айтишди.

Ишчи гуруҳ аъзолари энг илғор пиллачиларга давлат ҳокимияти ноҳия ижроия органи совғаларини топширишди.

# Суғд вилояти янгиликлари

### Иншоотлар таъмири

С. Қутфиддинов номли вилоят клиник беморхонасида даволанаётган беморлар ва шифокорларнинг ўзлари ҳам етти қаватли бинонинг истаган қаватларига лифтда тез кўтарилиш имкониятига эга бўлишади. Беморхонадаги мавжуд лифтларни таъмирлаш билан бирга янги, замонавийлари ҳам сотиб олинади. Бу мақсадга Суғд вилояти раиси Абдураҳмон Қодирий ташаббуси билан етарли маблағ ажратилди.

Умуман олганда, вилоят соғлиқни сақлаш иншоотлари таъмири ва янги жиҳозлар сотиб олиш учун 5 миллион сомоний ажратилди.

-Ажратилган маблағ Юрак хасталиклари, Эндокринология марказий беморхоналари ва вилоят туғруқхонаси иситиш тизимларини қайта тиклаш учун ишлатилади, - дейди вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг қурилиш бўйича бош мутахассиси Жаъфар Маматов.

Жаъфар Маматовнинг айтишича, айни бир пайтда янги соғлиқни сақлаш муассасалари қурилиши ҳам жадал олиб борилмоқда. Деваштич ноҳияси ва Конибодом шаҳар марказий беморхоналарида жарроҳлик бўлимларининг янги бинолар қуриш ва уларни жиҳозлаш назарда тутилган.

### Талабанинг олтин медали

Конибодомдаги Абдулаҳад Қаҳҳоров номли Технология коллежи талабаси Нодиржон Ашуров мамлакат пойтахти – Душанбеда ўтказилган спорт мусобақалардан олтин медал олиб қайтди.

Коллеж спортчилари Ёшлар йили муносабати билан ўтказилган ҳарбий-спорт мусобақаларида қатнашишди. Тожикистон Ички ишлар вазирлигининг «Спитамен» стадионида ўтказилган мусобақаларида юзлаб ёш спортчилар қатнашишди. Улар ҳарбий-спорт турларининг 10 кўриниши бўйича беллашишди.

Технология коллежи раҳбарларининг айтишларича, бу таълим муассасасида спорт машғулотларига эътибор янада кучайтирилади. Ёшларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишлари уларнинг эпчил, кучли ва соғлом бўлишлари билан бирга турли хил бузғунчи гуруҳларга қўшилиб қолиш эҳтимоллари олдини олишини ҳам айтишди.

*Ўз мухбир.*

# СИЁСИЙ ИСЛОМ - ЖАҲОН ҚУДРАТЛАРИНИНГ "ТИЖОРАТ"И

**НУҚТАИ НАЗАР**

Сиёсий Ислом сўнгги юз йилда манфаатдор ташкилотлару гуруҳлар қўлида мафкуравий ва сиёсий муҳим асбобга айланган бўлиб, мусулмон Шарқ мамлакатлари ижтимоий таянчида ёриқларни вужудга келтирган. Бугун дунё сиёсий Ислом сиймосида экстремизм, радикализм ва диний-мазҳабий терроризмнинг даҳшатли ҳодисаларига рўпара келган бўлиб, жаҳон ҳамжамияти бу хатарлар олдини олиш йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда. Аммо гувоҳ бўлиб турганимиздек, вазият яхшиланиш ўрнига, кундан-кунга янада таранглашиб бораяпти. Сўнгги ўн-ўн беш йил давомида қабул қилинаётган ва ижро этилаётган ҳал этиш йўллари самарасиз бўлиб, исломий Шарқ ижтимоий ва сиёсий-мазҳабий муҳитида янада кўпроқ мушкулликлар пайдо бўлмоқда. Шарқ анъанавий диний ва мазҳабпараст жамиятларидан бошланган бу бўҳрон ҳолати исломий мамлакатлар ҳаётининг бошқа йўналишларини инқирозга гирифтор этиб, ҳар томондан тараққиёту равнақ йўлига ғов бўлмоқда. Воқеият шундаки, сиёсий Ислом жаҳон қудратларининг "тижорат"ига айланиб улгурди.

Агар ирфоний адабиёт тили билан баён этадиган бўлсак, бугун Ўрта Шарқ иймону эътиқод оташи ўртасида ёниб, ақидавий, мафкуравий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий боши берк кўчага кириб қолган. Бу боши берк кўча, энг аввало, Ўрта Шарқ жамиятини мазҳабпарастлик иллати остида қамалга олган. Бошқа томондан, сиёсий ва мазҳабий муносабатдаги ўзаро уйғунликнинг йўқлиги, ортда қолиш ва янгиликларга қарши курашиш, ишончсизлик, хиёнаткорона мақсадлар учун замина яратиш ва фитначилик, сиёсий оқимларнинг нотўғри ташхиси, сиёсий ва диний идора-ю бошқарувда омадга эришолмаслик, илмий билимларнинг заифлиги, хурофотчилик ва жаҳолат араб ва мусулмон давлатларининг биргаликда яшаш истиқболларини ноаниқ ифодалайди.

Бугун оммавий ахборот воситалари, ички-ю ташқи ахборот агентликларида араб мусулмон давлатлари муносабатларида юзага келган қарама-қаршиликлар ҳақида гап боради. Қатар бир нечта давлат томонидан исломий терроризмни молиялаштириш давлати сифатида кўрсатилиб, бошқа араб мамлакатлари - Саудия Арабистони, Баҳрайн, Миср, Яман ва бошқалар биргаликдаги келишувлар асосида у билан дипломатик муносабатларини бекор қилишди. Ҳақиқатдан ҳам, мазкур минтақанинг баъзи давлатлари "Ал-Қоида", "Ҳизб-ут-таҳрир", ИШИД, "Жабҳат-ун-нусра", "Аш-Шабоб", "Толибон" ҳаракати ва бошқа шунга ўхшаш халқаро диний террорчилик ташкилотларига сармоя ўтказишда фаолдир. Нима учун баъзи мусулмон мамлакатлари диний террорчи ташкилотларга мол-пул ва мафкуравий жиҳатдан ёрдам беришади? Албатта, агар сиёсий ва иқтисодий манфаат биринчи иллат бўлса, бошқа иллат ва сабаби хурофотпарастлик ва диний-мазҳабий жаҳолат бўлиб, араб исломий мамлакатларнинг аксарияти бу шиддатли ҳодиса билан рўпара бўлиб турибди. Шунга қўшимча тарзда, дунёвийлик ва дунёвий сиёсий тузумга ишонмаслик, охир-оқибат мазҳабий фанатизмга айланадиган дин ва ўрта аср мазҳаби асосида салтанат ва ҳукумат юритиш аксарият исломий давлатларнинг асил фаолиятини ташкил қилади.

Фақатгина илмий ва ихтисослаштирилган билимлар асосидагина бунёд этилган дунёвий сиёсий тузум Ислом дунёсини ҳар куни глобал хатарлар ва диний қўрқинч уйғотиш билан юзма-юз бўлишдан қутқариши мумкин. Асоссиз шариат ва сиёсий ислом иддаоларини ғарбий дунёвийликка қарши курашда идеологик ва сиёсий мустаҳкамловчи асбоб сифатида тарғибу ташвиқ қилган ва қилаётган исломий Шарқ мамлакатлари диний-мазҳабий доиралари таълимот ва чиқишларида консерватизм ва чекланган дунёқараш кўзга ташланади. Ҳатто, аҳли суннат ва жамоатнинг буюк пешвоси, диндор ва Ислом динининг таниқли олими доктор Юсуф Қарзовий исломий ўрта аср тор мафкураси асосида мулоҳаза юритади. Таҳсил кўрган ва Исломнинг таниқли донишманди бўлган Қарзовийнинг ўрта аср мазҳабий усуллари андозаси асосидаги баҳсу андишаси йигирма биринчи асрда улардан суҳбат қилиш ва мазҳабий асоссизлик орқали ҳукм чиқариш кулгили кўринади. Албатта, Юсуф Қарзовий жаҳоннинг таниқли диний шахсиятларидан биридир. Лекин бу кекса мазҳабий пешвонинг фикри билан маданиятли жамиятни бунёд этиш ва ижтимоий тинчлигу иқтисодий равнақни таъминлаш мумкин эмас. Диний космополитизм миллий мансублик ва этник камчиликни ташкил қилувчиларни сиғиштириш амалига эга эмас. Шунинг учун, Қарзовийнинг қотиб қолган диний-мазҳабий доктриналар асосида тўқилаётган, чекланган андишалари андозаси миллий менталитет ва миллий давлатчиликни бунёд этишга нафақат ёрдам бермайди, балки бу кабиларни ўз комига тортиб кетади. Ўрта Шарқ минтақаси ва умуман, исломий Шарқдаги ижтимоий, фикрий, ақидавий, сиёсий, мафкуравий ёқимсиз вазият экстремистик дину мазҳаб жамият барқарорлиги, тинчлигу осойишталиги ва жипслигу биргаликда яшашини таъминлай олмаслигини баён этади. Назарда тутилган мамлакатлар аҳолисининг руҳий ва ижтимоий-сиёсий ҳароблиги бу минтақаларнинг ҳар бир шахси пешонасида аниқ кўриниб турибди.

Баъзи хабар манбаларининг маълум қилишларича, Қарзовий айни пайтда Қатарда яшайди ва бошқа исломий мамлакатлар халқларининг қаҳру ғазаби боисига айланган. ТИТП террорчи ва экстремистик ташкилоти раиси Муҳиддин Кабирий Қарзовийни ўзининг маънавий отаси ҳисоблаб, унинг таълимотидан маъносиз гапларни гапирарди. Кабирий хорижий сафарларида ҳар бир фурсатдан фойдаланиб, бу шахс билан мулоқот ўтказар, ундан партияси фаолиятига тааллуқли кўрсатмалар оларди. У Қарзовий билан ошкору яширин алоқага эга бўлиб, Конституцион тузумга барҳам бериш ва исломий давлат бунёд этиш учун ундан маслаҳат олганлиги бугун аниқ бўлаяпти. Доктор Юсуф Қарзовий қўшни исломий мамлакатлар томонидан диний терроризм уяси, дея эътироф этилиб, ҳамкорликлар тўхтатилган бир мамлакатда яшамоқда. Бунинг устига, доктор Қарзовий Жаҳон Ислом уламолари кенгаши раиси ҳисобланиб, бу раиснинг парда ортидаги дастури доирасида минтақаларни исломлаштириш амалга оширилади. Хусусан, шундай мамлакатки, дунёвий сиёсий тузум йўлида қадам ташлайди-ю, дину мазҳабни сиёсий қудрат касби воситаси ҳисобламайди. Энди жаҳон ҳамжамияти Кабирий қиёфасида қайси одамлар тарафдор эканлиги-ю, сиёсий суҳбат ва ахборот баҳсларида кимга тарафдорлик қилишни билиши шарт. Яъни Кабирий террорчи партия раҳбари ҳисобланиб, жаҳон терроризми билан алоқада амал қилади. Сиёсий ва геосиёсий стратегия-ю тактика нуқтаи назаридан, арабий давлатларни бир-бирига қарши қўйиш ва аниқроғи, Саудия Арабистони, Баҳрайн, Миср, Яман, Малдив ва шунга ўхшаш давлатларнинг Қатарга қарши бўлишлари жаҳон қудратларининг манфаатига бўлиб, сиёсий исломни мафкуравий ва фикрий бомба сатҳига кўтарган ҳолда, исломий мамлакатларни нотинч ва беқарор қилади. Хориж сценарий ва режиссурасига эга бўлган Сиёсий ислом дастурининг стратегик мақсади ижтимоий ва маданий муҳитларда сиёсий Исломни йўлга қўйиш ва шу орқали уни давлат мафкураси даражасига чиқариш ҳисобланади. Халқни мазҳабий ўйинлар воситасида қўзғатиш, минтақаларнинг диний тўқнашуву ихтилоф бозорларини "иссиқ" ушлаб туриш парда ортидаги аксар дастурларнинг вазифа ва функциялари саналади. Шунга қўшимча тарзда, уларнинг сиёси-ю диний етакчиларининг суннатпарастликлари ва янгиликларга қарши курашишлари асосида пайдо бўлган бу минтақалар ички харажатлари қаттиқ ахлоқий, сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, молиявий, диний ва маданий бўҳронларни келтириб чиқарди.

Юқорида зикр этиб ўтганимиздек, сиёсий Ислом қадам босган жой тез орада зулматга айланиб, диний тузум дунёвий тузум устидан ғалаба қозонади. Ўрта Шарқ ва исломий араб мамлакатларида сўнгги юз йилда юз бераётган мусибатли ҳодисалар мазҳаб ва мазҳабий қарама-қаршиликлар асосида ҳаққоният пайдо қилиб, бугун турли минтақалар мусулмонлари ўртасида кескин жисмоний ва мафкуравий тўқнашувларга айланган ҳолда, жамиятлар тарқалишига асос бўлмоқда, мазҳабий иллатга эга. Шунинг учун, диний ва мазҳабий мафкура таълимоти воситасида миллат ва халқлар ўзаро тушунишини вужудга келтириш катта хаёл эмас, лекин сиёсий ўйинлар ташкилотчилари диний ва мазҳабий бирлашмаларида дин фактори ва мазҳабий идеологиядан қасддан фойдаланишади. Башарий ва жумладан, миллий сиёсий ва маданий тарихи мазкур тажрибанинг иш бермаслигини исботлайди. Дин ва мазҳаб факторидан фойдаланиш ва аниқроғи, суиистеъмол қилиш (сиёсий Ислом мисолида) кўпгина мусулмон мамлакатларни мушкул ҳолатга солди. Унинг аниқ мисолини йиллар давомида уруш оташида бўлган Афғонистон ҳолатида кўриш ва ундан ибрат олиш мумкин. Афғонистонда фаол бўлган сиёсий Ислом, исломий бирлашмалар ва шахслар мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлиги омили бўла олишмаяпти. Аксинча, ижтимоий ва сиёсий муносабатдаги қарама-қаршиликлар кундан-кунга авж олмоқда. "Толибон" ҳаракати ва ИШИД каби бошқа исломий гуруҳлар минтақада барча бузғунчиликларни "таъминлайди". Бу ёпиқ, чекланган ва бир жойда қотиб қолган диний-мазҳабий тафаккур ўзидан бошқаларни кўришни истамайди ҳамда бошқа мафкуралар, ё алтернатив термин, тафаккурларга нисбатан нафрат билан қараб, уларни бетараф этиш йўлида барча имкониятлардан фойдаланади.

Бугун Тожикистон Республикаси устувор қадам ташлаб, бунёд этаётган дунёвий сиёсий тузумда маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олувчи мафкура сифатида дину мазҳаби ва миллату элатидан қатъий назар, барча халқни бирлаштириши ва миллий суҳбатлару ўзаро тушуниш учун кенг йўл очиши мумкин.

*Фаридуни ОРИЁИЙ.*

# Хатлон вилоятидан хабарлар

### Кўлобда халқаро илмий форум

Енгил саноат ходимлари касбий байрами, Ёшлар йили ва Бирлик ва миллий тотувликнинг 20 йиллиги байрамига бағишлаб Кўлоб шаҳридаги Технология ва инновацион менежмент олийгоҳида «Ёшлар – ўлкамизнинг ақлий тараққиёти омили» мавзусида 3-халқаро илмий форум бўлиб ўтди. Бу ҳақда Тожикистон Республикаси Саноат ва янги технологиялар вазирлигидан хабар берилди.



Форумни ўтказишдан асосий мақсад касбий мутахассисларни тайёрлаш ва бунинг замирида ёшларнинг ақлий тараққиёти учун муносиб шароит яратишдан иборатдир.

Манбанинг маълум қилишича, мазкур форумда хорижий, жумладан, Россия Федерациясининг Москва, Иваново, Воронеж шаҳарлари ҳамда Украина олийгоҳларидан вакиллар иштирок этишди. Улар соҳибистиқлол Тожикистон ёшларининг илмий маъруза, ихтиро ҳамда ақлий ютуқлари намойишига катта баҳо бердилар.

### Бирлик ва миллий тотувлик байрамига бағишланган тадбирлар

Мир Саид Али Ҳамадоний ноҳиясида Бирлик ва миллий тотувлик байрамининг 20 йиллигига бағишланган ахборот-маданий акцияси жараёнида турли тадбирлар бўлиб ўтди.

Ноҳия марказида ахборот акцияси бўлиб ўтди. Жумладан, Чўбек қишлоқ жамоати аҳолиси ва вилоят маркази ёшлар гуруҳи вакилларининг учрашуви ўтказилди. Учрашувда Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида» ва «Фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисида»ги қонунларининг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан мулоқот ўтказилди.

Давлат бошлиғи муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг саъй-ҳаракатлари билан республикамизда ободончилик ва бунёдкорлик ишлари кенг йўлга қўйилган бўлиб, йирик саноат корхоналари қурилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

- Мамлакат Президенти ёшларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратмоқда, - деди давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи болалар ҳуқуқлари бўйича сектори катта мутахассиси Давлатжон Ғаффорзода. – Шундай учрашувларнинг ўтказилиши, албатта, аҳолининг ҳуқуқий маърифатини оширишга хизмат қилади.

Ноҳия аҳолиси, шунингдек, «Саломатлик карвони» акцияси доирасида Кўлоб шаҳридан ташриф буюрган малакали врачларнинг хизматларидан фойдаланишди. Турли йўналишдаги тиб мутахассислари 700 нафардан ортиқ фуқарога маслаҳатлар берди.

Маданий тадбирлар доирасида Кўлоб шаҳри С. Вализода номидаги театри актёрлари ўз ҳунарларини намойиш этишди.

Ноҳиянинг Чўбек қишлоқ жамоати ҳудудидаги «Хоксор» деҳқон хўжалиги меҳнаткашлари Кўлоб шаҳри фалакхонларининг санъатидан баҳраманд бўлишди.

### Соҳил тозалаш ҳашари

Фархор ноҳияси атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўлими давлат ҳокимияти ноҳия ижроия органи билан биргаликда дарёлар, ариқлар соҳилларини тозалаш ва ноҳияда экологик вазиятни яхшилаш мақсадида истироҳат кунлари соҳилларни тозалаш бўйича доимий равишда ҳашар ташкил этмоқда. Бу тадбирларда аҳолининг турли табақалари фаол иштирок этади.

Яқинда ўтказилган навбатдаги ҳашарда ҳам ноҳия маркази аҳолиси ҳамда корхона-ю ташкилотлар ҳамжиҳатликда иштирок этиб, канал, зовур ва ариқларнинг соҳилларини тозалашди.

- Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон то-



монидан 2018-2028 йиллар - «Сув устувор тараққиёт учун» халқаро амалиёт ўн йиллигини қабул қилиш таклифи киритилганлиги ва у нуфузли халқаро ташкилот – БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинганлиги ноҳиямиз аҳолисининг руҳиятини кўтариб юборди, - дейди ноҳия атроф-муҳит ҳимояси бўлими бошлиғи Аҳлиддин Ҳаитов. – Ноҳиямиз аҳолиси каналу ариқлар бўйларини тоза сақлаб, сувдан самарали фойдаланишни йўлга қўйишни мақсад қилганлар.

Манбанинг маълум қилишича, яқинда ўтказилган соҳил тозалаш ҳашарида 50 кубометр ахлатлар тўпланиб, юк ташувчи машиналар ёрдамида ахлатхоналарга чиқариб ташланди.

### Кутубхоналар ҳамкорлиги

Кўлоб шаҳридаги С. Айний номли вилоят кутубхонасига Тожикистон Миллий кутубхонаси 1500 нусха бадиий ва илмий китоблар совға қилди. Бу асарлардан аксарияти давлат тилида бўлиб, бугунги ўқувчининг талабларига тўлиқ жавоб бера олади.

Шу билан бирга, мазкур кутубхонага 80 нусха ноёб адабиётларнинг электрон версияси, методик ва библиографик қўлланмалар тақдим этилди.

### Оилавий қадриятларга эътибор

Хатлон вилояти Фуқаролик ҳолатини қайдга олиш бошқармаси Кўлоб минтақаси бўйича бўлими масъуллари Мир Саид Али Ҳамадоний ноҳиясининг Панжоб қишлоқ жамоати ҳудудидаги Сайроб қишлоғи аҳолиси билан учрашув ўтказди.

Учрашувда ёшлар тарбияси, билим олиши ҳамда ёш оилаларни сақлаш юзасидан суҳбат ўтказилди.

Йиғилишда ҳар бир оила доирасида миллий анъаналар ҳамда маданий қадриятларни сақлаб қолиш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Мутахассислар томонидан никоҳдан ўтганлик шаҳодатномаси ва туғилганлик гувоҳномасини ўз вақтида олиш муҳимлиги уқтирилди.

- Туғилган ҳар бир чақалоқ республика фуқароси бўлиши шарт, - деб қайд этди Хатлон вилояти Фуқаролик ҳолатини қайдга олиш бошқармаси Кўлоб минтақаси бўйича бўлими бошлиғи Зайнаб Мадиева. – Бунинг учун ота-оналар қайғуришлари ва масъулият ҳис этмоқлари лозим.

*Ўз мухбир.*

«Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун - 10 йил

# ТЕЖАМКОРЛИК – ФАРОВОН ТУРМУШ КАФОЛАТИ



Тожикистон Республикасининг "Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниб, кучга кирганига ҳам ўн йил бўлди. Бу ўтган йиллар мобайнида мазкур Қонунга икки марта ўзгартиш ва қўшимчалар (16.06.2008 ва 21.07.2010) киритилиб, у халқ орасида "танзим" номи билан машҳур бўлди. Ишонч билан айтиш мумкинки, Қонун моҳиятини дастлаб тушунмаган кишилар кейинчалик унинг халқ манфаатларини кўзлаб ишлаб чиқилганига амин бўлишди. Бу борада мутахассис ходимларнинг тушунтириш ишлари жараёни муваффақият билан кечиб, унинг ҳар бир бандига омма орасида кенг шарҳ берилди. Шунингдек, мукаммал бўлган ушбу Қонуннинг биронтаям бандини менсимасликка ҳеч кимнинг маънавий ҳуқуқи йўқ.

Яқинда қабул қилинганлигига ўн йил тўлган ушбу Қонун аслида халқ иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида, аҳолининг маърака ўтказиш маданиятини юксалтириш, камбағаллик сатҳини пасайтириш йўлида юзага келганлиги рост.

Зеро, ўша йиллари эл орасида тўй ва бошқа урф-одатларни ўтказиш ўзига хос "мусобақа"га айланиб кетганди. "Мен сендан камми?" қабилида ўтказилаётган тўю маъракалар камида уч кун давом этар, исрофгарчиликлар авжи аълога чиқарди. Тўйдан сўнг бойлар унчалик қийналмасалар-да, аҳолининг камбағал қатлами йиллаб қарз узишига тўғри келарди.

Шунингдек, совуқ маъракаларда ҳам марҳумнинг «уч кунлиги» дастурхон ёзилмасдан, «Қирқ» маросими ихтиёрий равишда 80 киши иштирокида фақат бир хил таом тарқатилиб, ўтказилиши ва марҳумнинг қариндош-уруғлари йил маросимини муқаддас Рамазон ойи ёки Қурбон ҳайити кунида ихтиёрий равишда, 100 киши иштирокида бир хил таом тарқатган ҳолда ўтказишлари мумкинлиги, дафн ва мотам маросимларида «оши сари тахта», «душанбалик», «жумалик», «етти», «йигирма», «олти ойлик» дастурхонларини ёзиш, чунончи, пул ва бошқа буюмлар тарқатиш тақиқланганлиги, гўрков ва мурдашўй хизматига ҳақ тўлаш бундан мустасно эканлиги, илгари уч кунлаб жуда катта харажатлар эвазига ўтказиладиган маросимларни маълум бир рамкага солди.

Қонунда, шунингдек, туғилган куннинг фақат оила даврасида ўтказилиши ва хатна тўйи, никоҳ тўйи, «ҳожи чақирди» ва «ҳожи оши» тадбирларини ўтказиш ё ўтказмаслик критериялари белгилаб берилди.

Бунинг ўрнига, тежаб ўтказилган хатна тўйидан орттирилган маблағ тўйболалар балоғат ёшига етгунича банкларда уларнинг номига имтиёзли шартлар ва давлат кафолатига эга бўлган шахсий ҳисоб очишлари мумкин бўлиб, бу ўша боланинг келажакда қийналмаслиги ва таълим-тарбия олиши учун кафолатдир, албатта.

Мазкур Қонуннинг яна бир афзал томони шундаки, молиявий имконияти бор пулдор кишилар – жисмоний ва юридик шахсларни анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш бўйича маҳаллий комиссиялар иштирокида қаровчисиз қолган болалар ва камтаъминланган оилалар болаларини хатна қилиш маросимини ўтказишга вазифадор этади. Албатта, бу мажбурий эмас. Лекин шундан сўнг, хатна ва никоҳ тўйларининг оммавий равишда у ёки бу сармоядор кишилар томонидан ўтказиб келинаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Қонун ўз навбатида, тантаналар ва маросимларнинг уй-жой бинолари олдидаги майдончалар (ҳовлиларда), шахсий уйлар ёки қаҳвахоналар, ошхоналар ва тўй залларида жамоат тартибига риоя этган ҳолда ўтказилишини белгилаб берди. Диний характерга эга бўлган «Мавлудхонлик» маросимини эса, ихтиёрий равишда, фақат масжидларда ўтказилиб, унда пул йиғилмаслиги ва тарқатилмаслиги, дастурхон ёзилмаслиги аниқ баён этилган. Энг муҳими эса, ушбу тантаналару маросимларда пул сочишнинг тақиқланиши. Зотан, исрофгарчилик барча динларда-ю, давлат қонунларида қораланган амал.

Бизнинг Чоргултепа жамоати ҳудудида яшовчи аҳоли ҳам ушбу Қонуннинг бошдан-оёқ халқ манфаатларини ўйлаб ишлаб чиқилганини тўлиқ англаб етиб, мана ўн йилдирки, ўзларининг тўю маъракаларини ушбу Қонун белгилаб берганидек ўтказиб келмоқдалар. Инчунин, мазкур Қонуннинг 4-моддасига биноан, жамоатимиз ҳузурида ташкил этилган доимий комиссия жамиятда халқ маросимлари-ю, анъаналарини тартибга солиш бўйича фаолият юритмоқдалар. Ва бу комиссиялар иши самарали бўлиб, кўнгилдагидек натижаларга эришилмоқда. Айниқса, жамоатнинг Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш бўйича бош мутахассиси Лола Ниёзова, ёш, серғайрат мутахассис Маҳмадамин Солиевлар жамоат раиси Юсуф Сангимуродов бошчилигида ушбу комиссия ишларини олиб бориб, аҳоли орасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини яхши йўлга қўйган.

Ҳа, давлат ва Ҳукуматнинг ушбу Қонунни йўлга қўйишдан асосий мақсади халққа ғамхўрлик бўлиб, аҳоли турмуш тарзини юксалтиришдан иборатдир. Зеро, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси муҳтарам Президентимиз Эмомали Раҳмон Жаноби олийлари ҳам ҳар бир чиқишларида аҳолини тежамкорликка чорлаб келади. Зотан, тежамкорлик фаровон турмуш кафолати бўлиб, келажакда бошқалар қўлига қараб, муҳтож бўлиб қолмаслик чораси ҳамдир.

*Муҳаммадмўмин САИДОВ,*
*Рўдакий ноҳияси,*
*Чоргултепа қишлоқ жамоати котиби.*

# ДЕҲҚОНДАН ЭЛИМНИНГ РИЗҚИ БАРДАВОМ

**Мамлакатимиздаги табиий шароит ва иқлим, қишлоқ хўжалигининг равнақи учун қулайлиги сабабли, бу соҳада замонавий усуллар орқали ислоҳотларни амалга татбиқ қилсак, ички бозорларимиздаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини ҳам бир маромда сақлаб қолишга эришамиз.**

*Эмомали РАҲМОН.*

Қишлоқ хўжалиги ҳам иқтисодиётнинг етакчи соҳаларидан бири бўлиб, аҳолини маҳаллий маҳсулотлар билан йилнинг барча фаслларида таъминлашнинг энг қулай ва арзон воситасидир. Мустақил юртимизнинг барча соҳаларидаги, айниқса, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, собиқ колхоз ва совхозлар ўрнида фермер ва деҳқон хўжаликларининг ташкил қилиниши орқали ер асл эгасини топа олди.



Донолар айтганидек: -Ер бойликнинг онаси бўлса, отаси меҳнатдир.

Ёвон ноҳияси, «Ҳаёти нав» жамоатига қарашли Ғаффор номли деҳқон хўжалиги ҳам йигирма йил бўляптики, ўз зиммасидаги 15 гектар экин майдонида ҳар йили пахта, ғалла ва бошқа полиз маҳсулотларини етиштириб, ўз олдига қўйган мақсадларига эришиб келмоқда. Хўжалик бошқарувини ўз ишининг устаси, ёш бўлишига қарамай, деҳқончиликнинг барча сирларини ўзлаштириб улгурган Нурмуҳаммад Шамсиев зиммасига олган.

Мамлакатимизда пахтачилик азалдан маълум ва машҳурдир. Бу маҳсулотнинг жаҳон бозоридаги мавқеи, уни етиштирган қадоқ қўллар меҳнати эвазига йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу вазиятни олдиндан ҳис этган хўжалик раҳбари ҳар йили 15 гектар ернинг 12-13 гектарига барака уруғи қадаб, гектаридан 28-30 центнер ҳосил олмоқда. Бундан ташқари, 1,5-2 гектарга буғдой экиб, 35-37 центнер ҳосил кўтармоқда.



Меҳнатнинг кўзини билган, бойликнинг ўзини топар, деганларидек, Нурмуҳаммад ҳам ер соҳиби бўлгач, қисқа муддатда моддий шароитини яхшилаб олди. Тўплаган маблағини тежаб, хўжалиги учун иккита «Белорус» тамғали трактор сотиб олди. Чунки техника деҳқоннинг оғирини азалдан енгил қилиб келган.

Шу кунларда бехато униб чиққан ғўза қатор ораларига учинчи ишлов бериш билан бирга, ниҳолларни сийраклаштириш жараёни олиб борилмоқда. Хўжаликдаги фаол ишчилар Зоир Шамсиев, Мўмин Худойбердиев, Ашур Ҳусейнов, Нурнисо Буйроева ва Парвина Шамсиеваларнинг самарали меҳнатлари туфайли экинзор бегона ўтлардан тозаланиб, ғўза ниҳолларининг авж олиб ўсишига эришилди.

Ғаффор номли деҳқон хўжалиги нафақат жамоатда, балки ноҳиядаги илғор хўжаликлардан бири бўлиб, бу йилги пилла етиштириш мавсумида икки қути ипак қурти парваришлаб, давлатга 122 килограмм юқори сифатли пилла топширди. Нурмуҳаммад Шамсиев қуёшда олтиндек товланиб турган буғдой бошоқларини кўздан кечирар экан: -Бу йилги ниятимиз ғалладан гектарига 35-36 центнердан ҳосил олиш, -дейди фахр билан.

-Хўжаликдаги ишларнинг ўз вақтида бир маромда олиб борилишининг сири нимада? - деб сўраганимизда, хўжалик бошлиғи ҳеч иккиланмасдан:

- Ишчиларимизнинг астойдил меҳнат қилишида, - дейди. -Чунки уларнинг ойлик маошларини ўз вақтида бериб бормоқдамиз. Ғалла ҳосилини йиғиб олсак, ҳар бир ишчимизга 750-800 килограммдан буғдой беришни ният қилганмиз. Бундан ташқари, хўжаликда етиштирилган полиз экинларидан пиёз, помидор ва сабзи каби маҳсулотлар билан ҳам таъминлаймиз.

Хўжалик ҳар йили қишлоқ ободончилиги ва мактаб таъмирига ўз ҳиссасини қўшиб келади.

*Ҳайтали БОЕВ,*
*«Халқ овози».*

**Суратларда ғўза ниҳолларини сийраклаштириш жараёни акс эттирилган.**

*Суратчи: Турсунбой Хушвақтов.*

# "КАМАР" БОҒЛАБ ДЎЗАХ САРИ...

## ёхуд Теҳрондаги террор хуружи хусусида

"Ислом давлати" жангариларининг босиб олган ерларидан соат сайин қувиб чиқарилаётганига бугун бутун жаҳон аҳли гувоҳ. Унга қарши халқаро эътилоф ҳамкорлигида олиб борилаётган кураш кун сайин ўз ижобий натижасини бериб, "Ислом давлати" аъзолари аҳволини тобора танг қилаётганлиги аниқ.

Модомики шундай экан, Абу Бакр Бағдодий раҳбарлигидаги ушбу гуруҳ жангарилари турли ниқоблар билан ўзлари бир пайтлар шафқатсизларча босиб олган ерларни тарк этишмоқда. Улар қочқинлар ниқобида Европага, бир қисми эса, Туркия мамлакати ва бошқа минтақаларга яширинишмоқда.

Бироқ илон барибир илонлигича қоларкан... Қочқинлар таркибида у ёки бу мамлакатга борганлари ўша ерларда ҳам турли террорчилик амалларга қўл уришаётгани борасида турли ахборот воситалари хабар бермоқда. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, жорий йил бошларида Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳри метрополитенидаги портлашлар силсиласи, кейинроқ Буюк Британиянинг Манчестер ва Афғонистоннинг Кобул шаҳарларида катта инсоний талафотларга сабаб бўлган террор амалиётлари, албатта, ўша "Ислом давлати"ни тинч аҳоли таркибида яширинча тарк этаётган собиқ жангарилар томонидан амалга оширилаётгани ойдай маълум.

Ва мана, куни кеча Эрон Ислом Жумҳуриятининг Теҳрон шаҳри икки мавзеси Парламент биноси ва Оятулло Ҳумайний мақбараси олдидаги ҳужумлар ортидан 12 киши ҳалок, қирқдан зиёд кишилар жароҳат олганлиги маълум бўлди. Ҳужум масъулиятини "Ислом давлати" зиммасига олди.

Белига "шаҳидлик белбоғи" таққанлардан бири Парламент биноси олдида Эрон Ислом инқилоби посбонлари томонидан отиб ўлдирилиши ортидан "белбоғ"ни ишга сололмади, бироқ Оятуллоҳ Ҳумайний мақбарасидаги иккинчи худкуш ўзини портлатиб юборди. Натижада, катта талофот кўрилди.

Табиийки, ушбу террорчилик амалини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро нуфузли ташкилотлар қоралаб чиқдилар, давлат бошлиқлари Эрон раҳбари доктор Ҳасан Руҳоний номига ҳамдардлик телеграммалари жўнатмоқдалар. Жумладан, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Жаноби олийлари ҳам биринчилар қаторида телеграмма юбориб, Эрон халқига бу мусибатли кунларда ҳамдард эканлигини изҳор этди.

Чинданам, муҳтарам Президентимиз ҳар доим бот-бот таъкидлаб келганларидек, террорчининг дини, миллати ва ватани бўлмайди! Ҳақ фикр. Агар дини бўлганида эди, инсониятга қарши қилич қайрамаган бўларди у. Зеро, барча самовий динларда одам ўлдириш, ғорат тақиқланган. Миллати ва ватани бўлганида эди, миллат ва ватан қадрига етган бўлишарди. Афсуски, бу муқаддас тушунчалар улар учун бегона.

Таассуфлар бўлсинки, ўша "Ислом давлати"га алданиб ё бошқа сабаблар билан бориб қолган ва жангларда иштирок этаётган Марказий Осиё фуқаролари ҳам бор. Уларнинг аксари фириб домига илинганлиги рост. Яқинда ОАВларда эълон қилинган бир видео диққатимни тортди. Унда камфуляж кийган, юз-кўзи ўралган ўзини Қирғизистон фуқароси, дея таништирган киши Сурияга адашиб бориб қолганлиги ва у ерда жангариларнинг ҳеч бир динга тўғри келмайдиган ваҳшийликларини ўз кўзи билан кўрганлигини ва чинданам хатога йўл қўйганлигини, эҳтимол, тирик қолмаслигини ва ўз юртидан, ватандошларидан хатоси учун кечирим сўрашини айтади. Қирғиз тилида янграган ўзига хос бу иқрор ортида улкан пушаймонлик ётибди. Ҳа, пушаймонлик.

Аммо минг афсуским, ҳанузгача "Ислом давлати" эмиссарларининг домига илинаётганлар кам бўлса-да, бор... Улар эмиссарларнинг Сурияда ўлсанг, жаннатга тушасан қабилидаги сўзларига лаққа тушадилар. О, биродар, бирров ўйлаб кўрмайсанми, нега ўша эмиссар ўша "жаннат"ни ўзига ёки ўз фарзандларига раво кўрмайди, бошқаларнинг фарзандларига раво кўради?..

Йўқ, аксинча, улар ўзгалар ўлими эвазига "тижорат" қилишмоқда. Юбораётган ҳар кишиси эвазига Худо билади, қанча катта маблағ олаётган бўлса, ўша эмиссарлар. Бу-бир. Иккинчидан, Сурияга бориб, тирик қайтиб келишига ишонч йўқлиги учун ҳам ўзи ва фарзандлари у ёққа ҳаргиз боришмайди...

Дарвоқе, ҳақиқий дин олимлари сўзларига кўра, белига "шаҳидлик белбоғи" боғлаб, худкушлик қилганларга жаннат ҳиди ҳам насиб қилмас экан. Аксинча, бу дўзах сари йўл экан...

"Ислом давлати"нинг ажал давлати эканлигига ва унинг ҳеч бир диний аҳкомга тўғри келмайдиган ишларини дунёнинг 160дан ортиқ мусулмон мамлакатлари олий руҳонийлари Абу Бакр Бағдодийга мактуб орқали билдиришган эди. Оят, ҳадис ва шаръий далиллар билан "Ислом давлати" фаолиятининг нотўғрилиги исботлаб берилганди, ушбу мактубда. Бироқ Бағдодий уларга қулоқ осмади ва бугунги кунда аҳволи тобора танг вазиятга тушиб қолгач, муридларига тоғ-тошларга яширинишни ва тинч юртларга бориб, террорчилик амалларига қўл уришни буюрди.

Санкт-Петербург, Кобул, Манчестер, қолаверса, Теҳронда юз берган террор амаллари "Ислом давлати" кирдикорларидир. Бироқ Бағдодий ва унинг гумашталари чучварани хом санабдилар. Бугун бутун жаҳон аҳли уларга қарши бош кўтармоқда. Давлатлару халқлар бирлашиб, бир ёқадан бош чиқармоқдалар. Террорга қарши ташкилотлар дунё бўйлаб "Ислом давлати" гумашталарини қидириб топиб, муносиб жазога тортмоқда. Токи, бошдан-оёқ бегуноҳлар қонига ботган "Ислом давлати" ер юзидан супурилиб ташланса...

*Фирдавси ДАЛЕР.*

# СМС

**СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ**

Тел: 918-61-99-71

## ===== Мамлакатимизда =====

*Кураш*

### ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ҲОЗИРЛИК

Келгуси ойнинг биринчи ўн кунлигида Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида белбоғли кураш бўйича жаҳон биринчилиги турнирига старт берилади.

Унда Тожикистон вакиллари ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Суғд вилояти белбоғли кураш федерациясидан маълум қилишларича, 16 нафар курашчи 8 вазн тоифасида гиламга чиқади.

Илгари хабар қилганимиздек, белбоғли курашчиларимиз Россия Федерациясининг Оренбург шаҳрида ўтказилган Жаҳон кубоги мусобақаларида иштирок этишганди.

Тожикистон намояндалари нуфузли мусобақада 54 очко жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи жойни эгаллашган эди.

*Сув спорти*

### ДУНЁ МИҚЁСИДАГИ МУСОБАҚАЛАРДА

Тожикистонда сув спортининг байдарка ва каноэда эшкак эшиш тури йилдан-йилга равнақ топиб бормоқда.

Бу спорт билан шуғулланувчи вакилларимиз айни пайтда жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, янги мавсумни бошлаб юбордилар.

Шулардан бири - Шаҳриёр Даминов. Эшкак эшувчи Венгриянинг Сегеда ва Сербиянинг Белград шаҳарларида ташкил этилган Жаҳон кубоги беллашувларида иштирок этишга улгурди.

Венгриядаги курашларда квалификацион босқичдан муваффақиятли ўтиб, «С» гуруҳида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Гуруҳ босқичи мусобақаларида эса, кучли учликдан жой олди.

Мутахассисларнинг фикрларича, унинг Сербия турнирида эришган натижаси ҳам ёмон эмас.

*Футбол*

### «БАРҚЧИ»ДА ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ

Олий лига жамоалари ўртасидаги юқори дивизион чемпионати аъзоси Ҳисор шаҳрининг «Барқчи» жамоаси маъмурияти клубга янги бош мураббий тайинланганини маълум қилди.




Жамоанинг собиқ бош мураббийи Виталий Левченко Россия Федерациясининг «Крилев Советов» клуби мураббийлар штабига ишга ўтганидан кейин, ҳисорликларнинг мамлакат чемпионатидаги тақдири Мубин Эргашевга ишониб топширилди.

Янги бош мураббий УЕФА (Европа футбол ассоциациялари бошқармаси)нинг «Pro» лицензиясига эга.

Мубин Эргашев илгари «Истиқлол», «Хўжанд», «Вахш» каби бир қатор олий лига жамоаларини бошқарган.

## ====== Жаҳонда ======

*Олимпизм*

### ДАСТУРГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИЛДИ

Лозанно шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро олимпиада қўмитаси йиғилишида 2020 йилда Токиода ўтказиладиган ёзги олимпиада ўйинлари дастурига бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, 3х3 баскетбол, BMX фристайл, стол тенниси, аёллар ўртасида рулсиз тўртлик академик эшкак эшиш, эркаклар ўртасида 800, аёллар ўртасида 1,5 минг метрга сузиш, енгил атлетика 4х1000 метрга аралаш, 4х4000 метрга эстафета, жамоавий дзюдо, аёллар ва эркаклар ўртасида жамоавий қиличбозлик.

Шунингдек, бокс бўйича эркаклар ўртасидаги икки вазн тоифаси олиниб, аёллараро мусабақаларга киритилди.

Эслатиб ўтиш жоизки, навбатдаги XXXII ёзги олимпиада ўйинлари 2020 йилнинг 24 июлидан 9 августигача Японияда бўлиб ўтади.

*Бокс*

### ФИНАЛЧИ ЖАМОАЛАР АНИҚЛАНДИ

Хабарларимиздан бирида Қозоғистоннинг «Astana Arlans» жамоаси Бутунжаҳон бокс серияси (WSB)нинг финал босқичи йўлланмасини қўлга киритганини таъкидлаган эдик.

Ҳал қилувчи финал босқичининг иккинчи йўлланмаси Кубанинг «Cuba Demadores» жамоасига насиб этди.

«Озодлик ороли» намояндалари ярим финалда колумбиялик чарм қўлқоп усталарини йирик - 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

«Astana Arlans» ва «Cuba Demadores» жамоалари ўртасида финал босқичи жанглари ўтказиладиган макон ҳамда муддат ҳақида қўшимча маълумот берилади.

*Шаҳмат*

### РОССИЯЛИК - ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ

Белорус Республикаси пойтахти Минск шаҳрида шаҳмат бўйича Европа чемпионати мусобақалари якунига етди.

Турнирнинг сўнгги турида грузиялик гроссмейстер Баадур Жобава билан дуранг ўйнаб, умумий очколар сонини 8,5 баллга етказган россиялик Максим Матлаков Европа чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Учинчи ўринни ҳам ғолибнинг ватандоши Владимир Федосеев ишғол этди. У охирги турда Дмитрий Яковенкони доғда қолдирди.

Европа чемпионати мусобақаларида қитъанинг 38 давлатидан 400 нафар шаҳматчи бош соврин учун ўзаро кураш олиб борди.

*«Халқ овози»нинг спорт шарҳловчиси.*

## Европа

*Россия*

### Президентлар ўзгаради, сиёсат ўзгармайди

Россия Президенти Владимир Путин АҚШ раҳбари ким бўлишидан қатъий назар, АҚШ сиёсати аввалгидек қолишига



ишончи комиллигини айтди. Путин бу фикрни америкалик режиссёр Оливер Стоунга берган интервьюсида билдирди.

- "Қизиғи, сизнинг давлатингизда Президентлар ўзгаради, сиёсат эса, ўзгармайди", - деб айтган Путин.

Стоун америкалик томошабинларга Путиннинг айтган сўзларини "американча дубляжсиз", аслидек етказмоқчи.

*Франция*

### Дастлабки босқич ғолиби

Франция Президенти партияси Эммануэл Макроннинг "Олға, республика" партияси Францияда ўтган парламентнинг қуйи палатасига сайловларда ғолиб бўлди. Якуний натижалар мамлакатнинг Ички ишлар вазирлиги сайтида чоп этилди.

Макрон ҳаракати 28,21 фоиз овоз тўплади. "Республикачилар" партияси 15,77, Марин Ле Пеннинг "Миллий фронт"и 13,20, Жан-Люк Меланшоннинг "Забт этилмаган Франция"си 11,02, Социалистик партия 7,44 фоиз овоз тўплай олган.

Парламент сайловларининг иккинчи босқичи 18 июнда бўлиб ўтади. Бу босқичда ҳар бир округда биринчи босқичда камида 12,5 фоиз овоз тўплай олган номзодлар қатнаша оладилар.

*Украина*

### Чегарадаги рамзий дарвоза очилди

Украина ва Словакия президентлари Пётр Порошенко ва Андрей Киска Украина ҳамда Шенген зонаси мамлакатлари ўртасидаги визасиз режим жорий этилиши муносабати билан ташкил қилинган рамзий маросимда иштирок этишди.



Давлат раҳбарлари Украина чегарасида, Карпат орти вилояти ҳудудидаги "Ужгород" пунктида ўрнатилган "Европа дарвозаси"ни очишган.

11 июн куни Украина фуқаролари учун Европа Иттифоқи билан визасиз режим амалга кирди. Эндиликда Украина фуқаролари Европа Иттифоқининг 30 мамлакати ва Шенген зонасидаги мамлакатларга эркин кириб чиқиши мумкин бўлади.

*Германия*

### Қатар вазиятининг жиддийлиги

Қатарнинг Саудия Арабистони ва унинг иттифоқдошлари томондан яккалатилиши Форс кўрфазидаги янги урушга олиб келиши мумкин. Бу ҳақда Германия Ташқи ишлар вазири Зигмар Габриэл айтиб ўтди.

- "Бу ихтилофнинг урушга айланиб кетиши хавфи бор", - деб айтган Габриэл.

Унинг айтишича, у охирги ҳафта ичида Саудия Арабистони, Қатар ва Туркия ташқи ишлар вазирлари билан шахсан учрашган ҳамда эронлик ва қувайтлик ҳамкасблари билан телефон орқали мулоқот қилган.

- "Мен бу ҳафтада ўтказган маслаҳатлашувлардан кейин, вазият қанчалик жиддий эканлигини англадим", - деб айтган вазир.

## Осиё

*Эрон*

### Исбот ва далиллар

Эрон қуролли кучлари штаби бошлиғи ўринбосари Мустафо Изодий Эрон Ҳукуматида АҚШ Яқин Шарқда ИШИДни бевосита қўллаб-қувватлаётганининг исботлари борлигини маълум қилди. Изодийнинг бу сўзларини FARS ахборот агентлиги келтириб ўтди.



- "Биз Ислом давлатларини барбод қилган ҳамда оммавий қотилликлар ва тўқнашувлар келтириб чиқарган минтақадаги бу жирканч оқимнинг Америка империализми томонидан бевосита қўллаб-қувватланишидан гувоҳлик берувчи ҳужжатлар ва маълумотларга эгамиз", - деб айтди Изодий.

*Қатар*

### Блокадага тайёрлик

Россияга ташриф билан келган Қатар Ташқи ишлар вазири Муҳаммад ибн Абдураҳмон ал Соний маҳаллий нашрларга берган интервьюсида маълум қилишича, унинг мамлакати блокадага тайёр ва мамлакатда озиқ-овқат етишмовчилиги йўқ.

- "Қатарнинг озиқ-овқат захиралари кўп вақтга етади. Мен буни тасдиқлайман ва бундан кейин ҳам тасдиқлашда давом этаман. Озиқ-овқат тақчиллиги ҳақида гаплар тарқалиши билан одамлар бунга реакция кўрсатиши табиий. Бу маълум вақт давом этди. Кейин одамлар тинчланишди ва бизда захиралар етарли эканини билишди. Қатар бундай блокадага ҳамиша тайёр", - деди вазир.



Унинг сўзларига кўра, ўтмишда мамлакат кўплаб инқирозларни бошдан кечирган. Мисол учун, 1996 йилги давлат тўнтаришига уриниш ҳамда 2014 йилги дипломатик инқироз. У Қатар воқеаларнинг ҳар қандай ривожига тайёр эканини қўшимча қилган.

5 июн куни Саудия Арабистони, Баҳрайн, БАА ва Миср Қатар билан дипломатик муносабатларни узганини эълон қилди. Бу давлатлар расмий Доҳани терроризмни қўллашда айблади. Кейинроқ Ливия, Яман, Малдив, Мавритания ва Комор ороллари ҳукуматлари ҳам Қатар билан алоқаларни тўхтатди. Шунингдек, бу можаро фонида қатор давлатлар Қатардан ўз элчиларини чақириб ола бошлаган.

Шундан сўнг, Доҳа аҳолиси иқтисодий блокада юзага келишидан хавфсираб, супермаркетларга ёпирилди ва оммавий равишда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб ола бошлади.

*Туркия*

### Ҳарбийларни юборишга рухсат

Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоган Қатарга турк ҳарбий хизматчиларини юбориш тўғрисидаги қонунни, шунингдек, икки давлат ўртасидаги ҳарбийлар тайёрлаш бўйича келишувни маъқуллади. "Рейтер" агентлиги шу ҳақда хабар қилди.

Туркия парламенти мамлакат ҳарбийларини Қатардаги базага жойлаштиришга рухсат берувчи ҳамда Қатар жандармериясини тайёрлаш бўйича ҳамкорлик қилиш борасида қонунни қабул қилган эди. Таъкидланишича, турк ҳарбийларини Қатарда жойлаштириш икки мамлакатнинг хавфсизлик ва жандармерия ходимларини ўқитиш бўйича 2015 йилда имзоланган икки томонлама келишуви асосида амалга оширилади.

Агентлик маълумотига кўра, Ҳукумат буйруғи расмий "Official Gazette" нашрида эълон қилинган.

## Қўшни давлатларда

===== *Ўзбекистон* =====

### БМТ Бош котиби билан учрашув

Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасида 10 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг учрашуви бўлди. Бу ҳақда "ЎзА" хабар берди.

Давлат раҳбари Бош котибга Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтиргани учун миннатдорчилик билдирди.



- "Ислом Каримовнинг тинчликпарвар сиёсати, асосли ташаббуслари ва амалий ишлари минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим асос бўлганини эътироф этиш ўринли", - деди давлат раҳбари.

Учрашувда Ўзбекистон билан БМТ ва унинг ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

===== *Қирғизистон* =====

### Қозоғистонга қилинган ҳавас

Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев нима учун Қозоғистонга ҳавас қилишини айтди. Бу ҳақда унинг матбуот анжуманида айтган гапларига асосланиб, "24kg" нашри хабар берди. Атамбоевнинг сўзларига кўра, у Остонада бўлганида 3 миллиард долларга қурилган кўргазма мажмуасини кўздан кечирган.



- "Агар мен шунча пул сарфлаганимда, мени ёқиб ташлаган бўлишарди, назаримда. Биз бу ерда Жаҳон кўчманчилар ўйинига 30 миллион доллар сарфладик ва бу, асосан, донорлар ҳисобидан. Бу борадаги гап-сўзлар ҳали тинмайди. Қозоғистонда эса, ушбу кўргазма мажмуасига буткул ўзгача муносабат. У ерда одамлар қўллаб-қувватлашмоқда. Мен ҳавас қилдим, тўғриси. Бизда, афсуски, ҳамма ҳам тушунмайди", - деди Алмазбек Атамбоев.

## Австралия

### Махсус қамоқхона

Австралия Ҳукумати жангарилар учун биринчи махсус қамоқхонани очишни режалаштирмоқда. "MTV Lebanon" шу ҳақда хабар берди.

Янги Жанубий Уэлс Бош вазири Глэдис Бережиклян айтганидек, мазкур қарор радикал эътиқодларнинг тарқалишини тўхтатиш имконини беради.



- "Келгуси уч йил давомида қамоқларда радикализмни тарқатаётган маҳбуслар изоляцияси учун 47 миллион доллар ажратамиз", - деди Бережиклян.

Бош вазирнинг сўзларига кўра, Янги Жанубий Уэлс қамоқхоналарида террорчилик ғояларини тарқатишга уринаётган 33 киши ҳибсга олинган.

Яқинда Австралияда ИШИД тарафдорлари бўлган "Ёлғиз бўрилар" ҳаракати ҳужумлар серияси амалга оширилди. Бу полиция ва давлат федерал органлари тактикасини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди.

## Қисқа сатрларда

Қатар аҳолиси араб мамлакатларининг уларга қарши киритган санкцияларини адолатсиз, деб ҳисоблайди ва Туркия, Эрон ҳамда Россиянинг қўллаб-қувватлашига умид қилади. Бу ҳақда "Анадолу" агентлиги Қатар пойтахти Доҳадан маълум қилди.



***

- "Буюк Британияда бўлиб ўтган навбатдан ташқари парламент сайловлари давомати 68,7 фоизни ташкил этди ҳамда сўнгги 25 йилдаги энг юқори кўрсаткич бўлди",- деб ёзди "Daily Express" газетаси.

***

Панама байроғи остида Дарданелла бўғози орқали ҳаракатланаётган "Salix" кемаси сардори рация бўйича кемалар ҳаракати хизмати билан мулоқоти чоғида Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоганни ҳақорат қилганидан сўнг, вазифасидан четлатилиб, қирғоқда қолдирилди. Бу ҳақда DHA агентлиги ҳуқуқ-тартибот органларидаги манбасига асосланиб хабар берди.

***

"Empire" журнали ўқувчилари ўртасида ўтказилган сўровга кўра, барча даврларнинг энг яхши фильми деб Фрэнсис Копполанинг 1972 йилда суратга олинган "Чўқинтирган ота" картинаси тан олинди.



***

Бугунги кунда Ўзбекистон 100 000 тонналик миқдор билан жаҳонда гилос етиштириш буйича бешинчи ўринни эгаллаб турибди.

***

ШҲТга аъзо давлатлар етакчилари ташкилотга Ҳиндистон ва Покистонни қабул қилиш жараёнининг якунлангани ҳақидаги қарорни имзолашди.

Ироқнинг Ал-Мусайиб шаҳрида портлаш рўй берди, натижада 20 киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда "Al-Sumaria" телеканали хабар берди.

***

Россия Президенти Владимир Путиннинг таъкидлашича, ИШИД халқаро террорчилик ташкилоти Марказий Осиё давлатлари ва Россиядаги вазиятга аралашишга ҳаракат қилмоқда. Бу ҳақда Путин Қозоғистонда бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг давлат раҳбарлари йиғилиши давомида таъкидлаб ўтди.



***

- "Alibaba Group" асосчиси Жек Манинг давлати бир кунда компаниянинг сотувлари ўсиши бўйича прогнозлари фонида 2,8 миллиард долларга кўпайди. Бу ҳолат Хитой иқтисодиётида пасайиш кузатилаётганига қарамай юз берди, - деб хабар берди "Bloomberg".

***

- "Конго Демократик Республикаси шарқида - Бени шаҳридаги турмага номаълум шахслар ҳужум қилишди", - деб хабар тарқатди "Associated Press" ахборот агентлиги. Таъкидланишича, ҳужум вақтида 11 киши, жумладан, 8 нафар қўриқчи ҳалок, 900 нафардан кўпроқ маҳбус эса, қочишга муваффақ бўлган. Маълум қилинишича, воқеадан кейин турмада бор-йўғи 30 нафарга яқин маҳбус қолган.

***

АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари Сомалида АҚШ миссиясининг ваколатлари кенгайтирилиши доирасида бу ерда ҳаракат қилувчи "Аш-Шабоб" террорчилик гуруҳи позицияларига зарба берди. Бу ҳақда АВС телеканали хабар берган.

---

**Рейтинг**

### Дунёнинг нуфузли олийгоҳлари



"Top-Universities" дунёнинг энг нуфузли олийгоҳлари рейтингини тақдим этди. Унга кўра, етакчи ўринлар одатдагидек Буюк Британия ва АҚШ университетлари томонидан банд этилди.

Дунёнинг энг нуфузли олийгоҳи мақоми Буюк Британиянинг Оксфорд университетига насиб этди. Иккинчи ўринда Кэмбриж университети номи қайд этилди. Учинчи ўринни эса, АҚШнинг Ҳарвард университети эгаллади.

Тўртинчи ўриндан тўққизинчи ўрингача бўлган поғоналарда Америка олийгоҳлари кетма-кетлиги келади - Калифорния университети (Беркли бўлими), Стэнфорд, Йел, Принстон, Колумбия, Калифорния (Лос-Анжелес бўлими) университетлари. Ўнлик Австралия Миллий университети билан тугалланган.

Осиё мамлакатлари орасида Япониянинг Токио университети етакчилик қилмоқда - 11-ўрин. Ундан кейин Гонгконг (13) ва Пекин (23) университетлари қайд этилган.

**Таиланд**

### "Facebook"даги постлар учун қамоқ

- "Таиландда Вичаи исмли шахс "Facebook" ижтимоий тармоғида қироллик оиласини ҳақорат қилувчи умумий ҳисобда ўнта фото, видео ва изоҳларни қолдирган", - деб хабар берди "TechCrunch" нашри. Улар Таиланднинг қироллик оиласига тегишли қаттиқ қоидаларини бузган.

33 ёшли эркакни ўз дўсти номига рўйхатдан ўтказилган сохта саҳифа орқали ҳақоратомуз постлар қолдирганликда айблашди.



Аввалига Вичаи барча айбловларни рад этди, бироқ қамоқда бир йил ўтирганидан сўнг, ўз қарорини ўзгартирди ва айбини тан олди. Дастлаб уни 70 йилга озодликдан маҳрум этишмоқчи бўлишди, аммо кейинчалик бу муддат 35 йилгача туширилди.

Таиланд қонунларига кўра, монархияни танқид қилиш умуман мумкин эмас.

**Индонезия**

### "Оёқли" балиқ топилди

Франциялик денгиз биологи Еменрик Бенхаласса аввал фанга маълум бўлмаган, "оёқлари" бор, чуқур сув остида яшовчи балиқлар турини аниқлади. Олим бундай "топилма"га Индонезия соҳилларига илмий экспедиция вақтида дуч келган ва сув ости дунёсининг антиқа вакилини видеога олди.



Кейинроқ бу ёзувни океаншунос мутахассислар ўрганиб чиқиб, балиқ "оёқ" сифатида пастки кўкрак сузгичларидан фойдаланиши ҳақидаги хулосага келишган. Бу сузгичлар балиққа, нафақат, денгиз туби бўйлаб ҳаракатланишга, балки озуқа қидиришда ҳам ёрдам беради.

- Шу билан бирга, бу "денгиз пиёдаси" ҳали ҳеч бир синфга киритилмади. Олимларнинг фикрича, у нурпатли балиқлар вакилларига ўхшашдир, - деб хабар берди "National Geographic".

**Сирли олам**

## НИМА? ҚАЕРДА? ҚАЧОН?

**АҚШ**

### Бир кунда йўқотилган мислсиз маблағ

АҚШнинг технологик компаниялари "катта бешталиги" - "Facebook", "Amazon", "Apple", "Microsoft" ва "Alphabet" компаниялари 9 июндаги савдолар натижаларига кўра, кутилмаганда 100 миллиард долларга арзонлашиб кетди.



"Apple" акциялари 774,86 миллиард доллар капиталлашувга эга бўлган ҳолда 3,88 фоизга арзонлашди ва бир донасининг нархи 148,98 долларни ташкил қилди. "Alphabet" акциялари 665,57 миллиард долларлик капиталлашув билан 3,41 фоизга (бир акция нархи 949,83 доллар), "Microsoft" акциялари 539,61 миллиард долларлик капиталлашув билан 2,27 фоизга (бир акция нархи 70,32 доллар), "Amazon" акциялари 467,7 миллиард долларлик капиталлашув билан 3,16 фоизга (бир акция нархи 978,31 доллар) ва "Facebook" акциялари 438,07 миллиард долларлик капиталлашув билан 3,3 фоизга (бир акция нархи 149,6 доллар) арзонлашиб кетди. Бу компаниялар акциялари умумий ҳисобда 97,65 миллиард долларга арзонлашиб кетди.

"The Bahnsen Group" мутахассиси Дэвид Бансеннинг фикрича, бу компаниялар акциялари аввал "аслидан анча қиммат нархда сотиб олинган". - "Бу йўқотиш "Apple" учун 14 ой ичидаги энг катта йўқотиш бўлди", - деб таъкидлади "The New York Times" нашри.

**Юлдузлар ҳаёти**

### «Реал» ҳужумчиси эгизак фарзандли бўлди

Мадриднинг "Реал" клуби ҳужумчиси Криштиану Роналду эгизак фарзандли бўлди. Эгизаклар - Маттео исмли ўғил ва Ева исмли қиз 8 июнда туғилишган. Бу ҳақда Португалиянинг "SIC" телеканалидан иқтибос келтирган ҳолда, "Daily Mail" нашри хабар берди.

Машҳур футболчи иккинчи бор ота бўлмоқда, унинг 6 ёшли кичик Криштиану Роналду исмли ўғли бор. Роналдунинг эгизак фарзандлари ҳам биринчи фарзанди каби суррогат онадан дунёга келдилар.

Эгизаклар туғилгани ҳақидаги маълумот Роналдунинг ўзи томондан ҳам, унинг вакиллари томондан ҳам расман тасдиқланмади.

Март ойида АҚШда яшовчи суррогат она ҳомиладорликнинг сўнгги ойларида эканлиги ва яқин орада футболчи учун эгизаклар туғиб бериши маълум қилинганди. Футболчига яқин манба эгизаклар туғилгач, Роналдунинг Мадрид яқинидаги вилласига олиб келинишларини маълум қилганди.

### Путиннинг невaралари

Россия Президенти Владимир Путин америкалик режиссёр Оливер Стоунга берган интервьюсида невaралари борлигини маълум қилди.

Интервьюда Стоун Путиндан: - Сиз ўз невaраларингизни яхши кўрасизми? - деб



сўраган. - Путин "ҳа" деб жавоб берди, бироқ улар билан ўйнашга вақти унча ҳам кўп эмаслигини тан олди, - деб маълум қилди интервьюдан олинган парчадан иқтибос келтирган ҳолда CNN телеканали.

**Коинот сирлари**

### Ерга мутант-чувалчанг олиб тушилди

Тафтс хусусий тадқиқот университети (АҚШ) биологлари "Dugesia japonica" чувалчангларини беш ҳафтага космик станцияга йўллади. Натижада тортишиш кучи бўлмаган жойда ва геомагнит майдонлар таъсири остида чувалчанглар кўпроқ жинссиз йўл билан ажралгани, биттаси эса, ҳатто, икки бошли мавжудотга айлангани маълум бўлди. "Regeneration" журнали шу тадқиқот ҳақидаги мақола билан бўлишди.



Гап шундаки, жониворлар коинотга бош ва дум соҳасидан ампутация қилинган ҳолатда чиқарилган ("Dugesia japonica" қайта жонланишга қодир хусусиятлари билан машҳур). Улар қоронғу муҳитда, сув ва ҳаво тўлдирилган пробиркаларда сақланган. Шундан сўнг, чувалчанглар 20 ой давомида Ерда туриб кузатилган.

Тадқиқотчилар маълумотларига кўра, беш йиллик фаолият давомида тажриба остидаги 15 минг чувалчангдан бирортаси ўзини бундай тутмаган. Бундан ташқари, мутантнинг икки боши ҳам олиб ташланган - уларнинг ўрнида эса, (бош ва думнинг ўрнига) яна икки бош ўсиб чиққан.

*ОАВ асосида И. Маҳмадалиев тайёрлади.*

# Дўстни сев, дўстликка айлагил ихлос

*Шариф НУРИДДИН*



## РУМИЙГА НАЗИРА

*Пирлар қавли шу, ўглон, ҳусни инсон адабдир,*
*Инсону ҳайвон фарқи шу бегумон, адабдир.*

*Гўзал боғ эрса жаҳон, гулидирсан бехазон,*
*Парваришингда кордон асл боғбон адабдир.*

*Гар беадаблик барча бахтиқаролик боши,*
*Офатни даф этувчи балогардон адабдир.*

*Юлдузларни кўзлаган илминг муборак, лекин*
*Инсонийлик осмони учун нарвон адабдир.*

*Деса адаб ўглиман, қуюқ дуо қилмишлар:*
*-Яхши отанг бор экан, бўлсин омон, адабдир.*

*Кеча шавқи моҳтоб, кундуз завқи офтоб,*
*Туну кун нурдан шароб учун имкон адабдир.*

*Адаб не деб сўрсалар кўнгилнинг қулоғига,*
*Ақл оҳиста қуйиб демиш иймон адабдир.*

*Умр бўйи хижилман бир беадаблик боис,*
*Шайдо ўйлаб сўйлагилки, имтиҳон адабдир.*

## МИРЗО ТУРСУНЗОДА ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

*Балиқ сув билан соғ-омон, унутма,*
*Дўсти билан тирик инсон, унутма,*
*Қул ҳам дўсти бўлса, султон, унутма,*
*Дўстларни борича имкон, унутма,*
*Меҳрибон дўстларни ҳеч он, унутма.*

*Бўлма мағрур, гарчи фаслинг гул экан,*
*Дўстларсиз у хазону кул экан,*
*Дўсти гар йўқ подшо ҳам қул экан,*
*Бу жаҳон бедўст учун мушкул экан,*
*Мушкулинг ким қилса осон, унутма.*

*Ўзни дўст меҳрига, эй дил, ғарқ қил,*
*Қайда дўсту қайда душман, дарк қил,*
*Молу дунё дўстларини тарк қил,*
*Дўстдан, жоним, дўстни фарқ қил,*
*Гар сенга ким пайванди жон, унутма.*

*Дўст ила маъно умрнинг ошнаси,*
*Дўст ила тотли ҳаётнинг нашъаси,*
*Бир булоқ бор мен ҳамиша ташнаси,*
*Азиз элим эрур илҳом чашмаси,*
*Шуҳрати оламда достон, унутма.*

*Кўнгилдан гар кўнгил сувлар ичгандир,*
*Баландларда бахтинг қуши учгандир,*
*Қаён қадам қўйсанг, у ер гулшандир,*
*Боғ зийнати очилган гул билан дир,*
*Дил давлати гули хандон, унутма,*

*Ҳар балодан шу эмиш роҳи халос,*
*Дўстни сев, дўстликка айлагил ихлос,*
*Дўст учундир жон бериш ўзбекка хос,*
*Келса дўстларни қучиб бағрингга бос,*
*Тожик расмини, қадрдон, унутма.*

*Боғимиз қилмас хазон барбод ели,*
*Бизга ҳечдир ғам-аламларнинг сели,*
*Ким суянса дўстига, синмас бели,*
*Дўст бўлибдир биз билан олам эли,*
*Эллар бирлигини, эй жон, унутма.*

## АЛИЖОН ЙЎЛДОШ ХОТИРАСИГА

*Сен била кечган умр нақадар хуш, эй дўст,*
*Афсус, ўтиб кетибдир ул ширин туш, эй дўст.*

*Яйрар эдим сайрасанг, кўнгилнинг гулшанида,*
*Қаён кетдинг сан учиб мисоли қуш, эй дўст.*

*Руҳи пок кетиб кўкка, бунда муштоқи зорман,*
*Бир нафасга бўлса ҳам ёнимга туш, эй дўст.*

*Суҳбатинг оби бақо эрди, эндидир анқо,*
*Ташнаману топмасман айлашга нўш, эй дўст.*

*Ширин ҳаёт неъмати эрди сен бирла болдан,*
*Заҳарфурушдир энди асалфуруш, эй дўст.*

*Дер эдинг дунёда дўст кўп, излаган топадир,*
*Сенсиз дунё мен учун кимсасиз, бўш, эй дўст.*

*Сенсиз Шайдо дунёга, шеър кўнгилга сиғмайдир,*
*Ким энди сен каби дер қайна-ю жўш, эй дўст?*

## ҲАСАН ҚОРИ ИЗҲОРИ

*Келиб дунёга, дўстлар, дунёни кўрмадим ҳеч,*
*Сузиб мавжида ғўё дарёни кўрмадим ҳеч.*
*Тўрт мучанг бут экан-ку, давлатинг дейдилар шу,*
*Бундан улуғроқ, эзгу дуони кўрмадим ҳеч.*
*Гунгу кару шалдан ё ночормикан нобино,*
*Оламни дерлар зебо, зебони кўрмадим ҳеч.*
*Ҳақ бермаса кушойиш, беҳуда экан нолиш,*
*Луқмон даъвогарида давони кўрмадим ҳеч.*
*Бошқа барча балолар иложи бор экан, лек,*
*Дилкўрликдай бедаво балони кўрмадим ҳеч.*
*Кўрмасам ҳам кўрсатди, мунаввар Ҳақ йўлини,*
*Кўнгилнинг кўзи янглиғ бинони кўрмадим ҳеч.*
*Шукр, тутдилар қўлдан, кетмадим тойиб йўлдан,*
*Меҳрибон дўстлар каби асони кўрмадим ҳеч.*
*Рўдакий кўр кўз била малик-уш шуародир,*
*Зиёни йўқ кўзда гар, зиёни кўрмадим ҳеч.*
*Назарни яхшилардан изла имкон борида,*
*Ҳасан қори демасин, Шайдони кўрмадим ҳеч.*

## СЎРАМА

*Нимадир яхши-ю, нимадир ёмон,*
*Сўраб бекор мени айлама гирён,*
*Бағримни қон қилди бандаи нолон:*
*-Фарзандинг ноқобил чиққани ёмон.*
*Гул кўкси эслатар юрак доғингни,*
*Файзсиз топасан кекса чоғингни,*
*Ўтинга мўлжаллаб гўзал боғингни,*
*Фарзандинг ноқобил чиққани ёмон.*
*Аламга тутилса, қутулгай инсон,*
*Ёмонга йўлиқса, қочишдир имкон,*
*Бу балодан, лекин қочасан қаён,*
*Фарзандинг ноқобил чиққани ёмон.*
*Бир бахти қарони тинглаб йиғладим,*
*Дардига давони излаб йиғладим,*
*Қўшилиб йиғладим, инграб йиғладим,*
*Фарзандинг ноқобил чиққани ёмон.*

***

*Келди осмонлардан ёрга қилсам илтимос,*
*Эҳтиёт бўл осмон, оҳ чексам, илтимос.*

*Ер бўлсам қанчалар, осмон ёр шунчалар,*
*Фойдасиз тадбир экан энди билсам, илтимос.*

*Кўриб ҳолимни Мажнун, саҳроларда жигархун,*
*Йиғламанг, эй дўстлар, агар кулсам, илтимос.*

*Ошиқ рамақдажондир, боқмади қайрилиб бир,*
*Бағритошга рақиблар қилсалар ҳам илтимос.*

*Озорлари эсига тушиб чекмасин озор,*
*Шайдо, таъналар ёрга қилма ўлсам, илтимос.*

***

*Савобу самар топдим, яхшиларга эргашиб,*
*Гўё кони зар топдим, яхшиларгаэргашиб.*

*Яхшиликдан бошқаси охир пушаймон экан,*
*Энг аъло ҳунар топдим, яхшиларга эргашиб.*

*Ёндошгунча ёмонга, ёпишсанг соз қозонга,*
*Ёмондан ҳазар топдим, яхшиларга эргашиб.*

*Яхши сўзу яхши иш, яхши феъл экан давлат,*
*Бебаҳо гуҳар топдим, яхшиларга эргашиб.*

*Шукрки, яхшиларга йўлдош айлади Аллоҳ,*
*Жаннатдан хабар топдим, яхшиларга эргашиб.*

*Дил аҳли даврасига, кўнгилнинг Каъбаси*
*Муборак сафар топдим, яхшиларга эргашиб.*

*Нур топдим, назар топдим, бол топдим, шакар топдим,*
*Ўзликдан асар топдим, яхшиларга эргашиб.*

*Ўзни сезса осмонда, деманг Шайдо нодон-да,*
*Ахир, болу пар топдим, яхшиларга эргашиб.*




### Ҳаётда шунақаси ҳам учраб туради

## ҚАЙСИ ШУҲРАТНИ ГАПИРЯПТИ?

Тожикистонда хизмат кўрсатган артист, машҳур ҳофиз Қодир Мирашуровнинг ижодий кечаси жуда мароқли ва мазмунли ўтди. Мазкур кечада каминага ҳам сўз беришди. Эл суйган ҳофизнинг хислатлари борасида сўзлаётиб, шуҳрат кетидан қувганлар ҳақида ҳам гапирдим. Қодир Мирашуров каби истеъдодли инсонларни эса, шуҳратнинг ўзи топиб олишини айтдим…

Қизиғи ижодий кеча ўтгандан кейин бўлди. Тўғрироғи, бу гапларни менга кейинроқ айтиб беришди.

Мен сўзлаб бўлганимдан сўнг, кечани олиб бораётган йигитнинг олдига бир киши келиб: - Қайси Шуҳрат ҳақида гапирди? Фалончи Шуҳрат эмасми? - дебди. Ажабланарлиси, бунга ўхшаган саволни яна бошқалар ҳам беришибди. Айримлар айтган Шуҳрат исмли кишини таниганимдан, ишқилиб, бу тушунмовчиликлар унинг қулоғига етиб бормасин-да, деган ўйга бордим. Сал ўтмай, бу хавотир тумандек тарқалиб кетди. Мен билган Шуҳрат ҳар ҳолда исм билан шоншуҳрат деганларининг фарқига боради-ку! Ўзбек бўла туриб, шуҳратни фақат исм деб биладиганлардан фарқли равишда.



## ТУЯНИНГ ДУМИ ЕРГА ТЕГСА ҲАМ

Бу воқеани менга оператор йигит гапириб берди. Кўплар тўйлар, маъракаларда тасвирга олувчиларга суратга олишдан бошқа нарсани билмайди, деб баҳо беришади. Уларнинг орасида атрофида кечаётган воқеаларга, айтилаётган гапсўзларга, эътибор берадиган зукко йигитлар кўп. Хуллас, тасвирга олувчи йигитдан эшитганларим:

- Жўқиёнадан ҳам пастроқ тумтароқ «шеър»ларни ўқиётган, бурни осмонни мўлжаллаётган «шоир»нинг микрофонга ёпишиб олиб, ҳадеганда, уни бўшатиш нияти йўқлиги тўйга келган кўп одамларнинг энсасини қотирарди. Лекин халқимизда истиҳола деган нарса бор. Ҳеч ким «алжирашни бас қил», демасди. Тўйда қистир-қистир бўлган пайтлар, алмойи-алжойи қўшиқларни айтгувчи отарчининг чеккасига ғижимланган қоғоз пулни қистириб: - Бас қиласанми ё қўлтиғингдан олиб, даврадан чиқариб қўяйликми? - дейдиганлар даври ҳам ўтиб кетган.

Тўйхонада ғала-ғувур кўтарилди. Ҳеч ким «шиғил»ни эшитмас, ўзининг ҳангомасини қизитарди. Гарчи куёвнинг қиёфасидаги норозилик кучайиб бораётганини билса-да, даврани бошқариб бораётган йигит ҳам «буюк шоир»ни тўхтатишга жазм этмасди.

Ниҳоят, «шайир» микрофонни бўшатди. Микрофонга ҳофиз яқинлашди. У торини чертиб-чертиб турди-да, бирданига тўхтади, «шайир» томонга юзланди.

- Ҳей, шунча одамнинг вақтини олиб нима қиласан? Билиб қўй, ҳатто, туянинг думи ерга текканда ҳам сендан шоир чиқмайди!

*Ўринбой УСМОН.*

## ҚИТИҚЛАШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

***Ғайратжон Ҳамроқуловнинг асли касби – муҳандис. Лекин уни кўпчилик моҳир қизиқчи сифатида танийди. Қизиқчи бўлганида ҳам, ўзини ҳар мақомга солмайдиган, қитиқламасдан кулдирадиган қизиқчи. Ғайратжон сўзнинг ҳақиқий устаси, Тожикистонда ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, марҳум Ҳожибой Тожибоевнинг энг яқин шогирдларидан биридир.***

***Ғайратжон одамларни кулдириб, уларнинг кайфиятини кўтариб, завқ-шавқ улашиш билан бирга, ўзи кўрган-билган ажабтовур воқеаларни қоғозга тушириб туради. «Лутф» номли китобчаси нашр этилган.***

***Қуйида Ғайратжон Ҳамроқулов ижодидан намуналар билан танишасиз.***

## «ВЕЧНИЙ» МОШИН

Юртимизнинг машҳур ҳофизларидан бири, «Шашмақом»нинг моҳир ижрочиси, Тожикистон Халқ артисти марҳум Боймуҳаммад Ниёзов давру даврон сурган санъаткорлар сирасига киради. Кимлардир бир умр янги машина миниш орзусида ўз даврининг энг олди машиналари соҳиби бўлган. «Москвич»нинг энг зўри дейсизми, «Жигули»нинг «06»си дейсизми, «Волга»нинг «ГАЗ-24»и дейсизми... Эл ардоғидаги ҳофиз машиналарини тез-тез янгилаб турган.



Энди даврлар ўтаверар экан, Шўролар Иттифоқи тарқаб кетди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида иқтисодий инқироз ҳукмронлик қила бошлади. Ўша йилларда Боймуҳаммад Ниёзов «Запорожец» сотиб олди. Уни ҳозирги ёшлар кўрмаган бўлса керак. Кичкинагина, арзонгина машина.

Ҳофизнинг ўғли Нурмуҳаммад эски «Запорожец»нинг у ёқ-бу ёғини айланиб кўриб, отасини мақтай кетди:

- Дадажон, дидингизга, узоқни кўра олишингизга қойилман...

- Ҳа, энди, - камтарона сўз бошлади Боймуҳаммад ака. – Енгилгина. Худди велосипед ҳайдагандек осонгина ҳайдаб юраверасан.

- Дадажон, узоқни ўйлаб, яхши иш қилибсиз. Биласизми, шунча машина миндингиз, лекин «вечний»сини энди олдингиз.

- Бу нима деганинг, ўғлим? - таажжубланди ота.

- Чунки бу алмисоқдан қолган машинани ҳеч қачон, ҳеч кимга сота олмайсиз. У - «вечний» машина...

## «ФАРҚИ ЙЎҚ ЧОЙ»

Қишлоғимизда тўй-маъракалар бўлса, ўзимни нуроний отахонлар даврасига ураман. Қарияларнинг хизматини қилиб, дуоларини олсам, баҳри-дилим очилиб кетади. Енгил ҳазиллар қилиб, кулдираман, ўзлари айтмоқчи, уларни ёшартираман.

Маъракалардан бирида қишлоғимизнинг табаррук отахонларидан Абдували бобо менга иш буюриб қолди:

- Ғайратжон, ўғлим, битта чой дамлаб кел.

Айтганларини қилдим. Чойни уч марта қайтариб, пиёлага бир ҳўплам қуйиб ичдим-да, кейингисини бобога узатдим. Абдували бобо пиёладаги чойга тикилиб:

- Ўғлим, бу қанақа чой, қорами, кўкми? - деди.

- Бобожон, рангига қаранг, ўзи тайин-ку, - дедим мен.

- Кўзларим хира бўлиб қолган, болам. Рангидан ажрата олмайман.

- Унда ҳидлаб кўринг, бўлмасам...

- Э, болажоним-а, ҳидидан билсам, сендан сўрармидим.

- Ундай бўлса, бир ҳўплам ичиб кўринг, мазасидан биласиз, қўясиз.

- Ёшинг саксондан ошгандан кейин, маза нималигини ҳам билмай қоларкансан, киши.

- Ие, бобожон, рангидан, ҳидидан, ҳатто, мазасидан билмасангиз, қорами, кўк чойми сизга нима фарқи бор?

- Нима дединг, ўғлим?

- Бу айни сизбоп чой деяпман. Чойнинг энг янги, энг яхши тури – «фарқи йўқ чой», дейдилар буни.

Бобо чойни ҳўплаб-ҳўплаб ичиб, оғзида қолган тўртта тишни кўрсатиб, жилмайди.

***Ғайратжон ҲАМРОҚУЛОВ.***



**«Баҳористон» - замонавий истироҳат ва маданият маскани**

## БИЛГАНЛАР, БИЛМАГАНЛАР БОР

**√ Дунёдаги энг қуруқ ер қаерда деб ўйлайсиз? Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг – Антарктидада. У ердаги Қуруқ водийда икки миллион йилдан буён ёғингарчилик бўлмаган.**

**√ Дунёда Африка аҳолиси энг кўп тилда гаплашади. Тиллари икки мингтадан ошади. Тилларнинг энг ноёби бикя тили ҳисобланади. Ҳозир бу тилда ким гаплашиши маълум эмас. Чунки охирги марта – 1998 йили бикяча сўзлаган одам 87 яшар аёл бўлган. У Камерун ва Нигерия ўртасидаги чегара яқинида яшарди.**

**√ Туркияга борганлар яхши билишади. Мамлакатнинг йирик шаҳри Истанбул икки қитъада жойлашган дунёдаги ягона шаҳар саналади. Босфор устидаги кўприкдан яёв ўтсангиз, бир пасда Европадан Осиёга ё аксинча, қадам қўясиз.**

**√ Дунёдаги энг баланд бино – Бирлашган Араб Амирликларидаги Burj Dubai (Дубай минораси) саналади. 164 қаватлик бу осмонўпар бинонинг баландлиги нақ 828 метр.**

**√ Саккиз минг метрдан баланд бўлган 14та тоғнинг ҳаммаси Осиёда жойлашган.**

**√ 1980 йилгача телефондан фойдаланмайдиган битта давлат бор эди. Билгингиз келяптими, бу– Бутан.**

**√ Жанубий Америкада фақат иккитагина мамлакат тўғридан-тўғри катта сув – уммонга чиқа олмайди. Булар – Боливия ва Парагвай.**



**√ Дунёда қайси шаҳарда орол кўп, деб ўйлайсиз? Италиянинг Венеция шаҳрида. Бу шаҳарда 118та орол бор.**

**√ Дунёдаги энг кенг кўча Бразилияда. Бразилиа шаҳридаги кўчалардан бирининг кенглиги – 250 метр.**

*Саҳифа масъули Ўринбой УСМОН*

